

O'zbekistonda sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • @uzssgzt, uzss@yandex.ru • 2022 йил 27 октябрь • №40-41 (1425)

ВИДЕОСЕЛЕКТОР

УСТУВОР ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Республика шошилич тиббий ёрдам илмий марказида Президент раислигида соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ишлар ва келгусидаги устувор вазифалар юзасидан видеоселектор бўлиб ўтди. Йиғилиш аввалида давлатимиз раҳбари барча шифокор ва ҳамшираларни, фелдшер ва санитарларни яқинлашиб келаётган Тиббиёт ходимлари куни билан табриклади.

“Хабарингиз бор, жорий йил март ойида сизлар билан очик мулоқот ўтказиб, барча масалаларни очик-ойдин муҳокама қилган эдик. Бугунги йиғилишимизни ана шу очик мулоқотнинг мантикий давоми, десак, бу ҳам тўғри бўлади”, деди Президент Шавкат Мирзиёев.

сўмга). Шунингдек, 820 та бирламчи тиббиёт муассасасига УЗИ ва ЭКГ ускуналари етказиб берилди.

Оилавий поликлиникаларда 19,5 мингта кундузги шифо ўринлари ташкил этилди. Бунинг натижасида 740 минг аҳолига шифохонага бормасдан,

бўш ўринни тўлдириш вазифаси кўйилди. Шифохоналарда туғруқ ўринларини кўпайтириш, республика бўйича 46 та туманлараро перинатал марказни ташкил этиш ишларини тезлаштириш топширилди.

Тез тиббий ёрдамда чақирувга етиб бориш вақти 3 баробарга, харажатлар 25 фоизга қисқаришига қаратилган Президент қарорларининг ижроси устидан назоратни кучайтиришга кўрсатма берилди. Йиғилишда мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича ҳокимлар, соҳага масъуллар ва ихтисослашган марказлар раҳбарларининг ҳисоботи эшитилди.



ўтирган раҳбарлар эшитиб олсин: бир бемор одамни дардига дармон бўлиб, унинг соғлигини тикласак, ҳаётга қайтарсак, билинги, бу билан бутун оиланинг бахтини, келажагини таъминлаган бўламиз”, деди давлатимиз раҳбари. Президент республика тиббиёт марказлари ва вилоятлардаги тиббиёт муассасаларининг шифокорлари билан мулоқот қилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази ҳудудида барпо этилган янги юқори технологик хирургия биносида яратилган шароитлар билан танишди. Билдирилган фикр-мулоҳазалар ва таклифлардан келиб чиқиб, йиғилиш якунида Президентимиз Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва вилоятлар ҳокимларига қатор топшириқлар берди.

Жумладан:

– икки ой муддатда 300 та маҳаллада тиббиёт пунктларини ташкил қилиш, келгуси йил 1 мартга қадар бундай тиббиёт пунктларини оилавий поликлиникалардан 10 километр узоқликда жойлашган 272 та маҳаллада ҳам барпо этиш;

– 30 та оилавий шифокор пунктлари ва поликлиникаларини ташкил этиб, уларни жиҳозлаш, келгуси йилда яна қўшимча 140 та оилавий шифо-

кор пунктлари ва поликлиникаларини ташкил этиш;

– икки ой муддатда оналар ва болалар саломатлиги бўйича уч йиллик дастурни ишлаб чиқиш, унда туғруқ бўлимларининг моддий-техник базасини яхшилаш, туғруқ ўринларини босқичма-босқич кўпайтириш, болаларда туғма нуқсонларни олдини олиш ва эрта аниқлаш, махсус дори воситалари билан таъминлаш, Акушерлик-гинекология, Скрининг ва Репродуктив саломатлик марказларининг ягона вертикал тизимини яратишни назарда тутиш;

– хорижий ишлаб чиқарувчилар билан музокара ўтказиб, 640 та тез ёрдам машинасини харид қилиш;

– икки ой муддатда барча ихтисослашган марказларда камида 10 тадан янги юқори технологик даволаш усуллари жорий қилиш бўйича дастурни қабул қилиш;

– икки ой муддатда тиббиёт муассасалари моддий-техник базасини яхшилаш бўйича уч йиллик дастурни ишлаб чиқиш, унда 1 минг 117 та тиббиёт муассасини қуриш ва капитал таъмирлаш, 668 тасининг ичимлик суви, иссиқлик тизими ва электр таъминотини яхшилаш, 1 минг 870 тасига 38 мингта янги тиббий жиҳозлар етказиб беришни назарда тутиш топширилди.

Вазирлар Маҳкамасига ҳамшираларни ўқитиш ва малакасини ошириш, меҳнатига ҳақ тўлаш миқдорини ошириш, умуман, улар учун муносиб меҳнат ва турмуш шароитларини яратиш масалаларини ўз ичига олган қарор лойиҳасини тайёрлашга топшириқ берилди.

ЎЗА.



Президент тиббиёт соҳасидаги энг устувор вазифалардан бири малакали тиббий хизматларнинг ҳар бир хонадонга кириб боришини таъминлашдан иборатлигини таъкидлади ва эришилган натижалар ҳақида сўз юритди. Жумладан, жорий йилда янги 106 та оилавий шифокор пункти ва поликлиникалар, мингта маҳалла тиббиёт пункти ташкил этилди. Бу орқали 3,5 миллион аҳолига бирламчи тиббий хизмат яқинлаштирилди. Ишлар самарадорлигини янада ошириш мақсадида илғор хорижий тажрибалар асосида аҳолининг кафолатланган бепул тиббий хизматга бўлган эҳтиёж баланси ишлаб чиқилди. Оилавий шифокорлар томонидан бепул тарқатиладиган дорилар 45 турдан 70 турга етказилди. Бунга ажратилаётган маблағлар ҳажми эса ўтган йилга нисбатан 3 баравар оширилди (188 миллиард сўмдан 540 миллиард

маҳалланинг ўзида даволашни имконияти яратилди. Тиббиёт ходимлари ойлиги 30 фоизгача оширилди. Шунингдек, шифокорларга иш самарадорлиги ва натижасига қараб табақалаштирилган рағбатлантириш ва устама тўловлари жорий этилди. Умуман, жорий йилда тиббиётга 28 триллион сўм ажратилмоқда ва бу ўтган йилга нисбатан 1,3 баравар кўп.

Давлатимиз раҳбари соҳада қилиниши лозим бўлган ишларни белгилаб берди.

Бирламчи бўғинни маҳаллагача тушириш бўйича бошлаган ислохотлар самарасини ошириш лозимлиги қайд этилиб, оилавий поликлиникалардан 10 километр узоқликда жойлашган 272 та маҳаллада тиббиёт пунктларини ташкил қилиш ишларини жадаллаштириш топширилди. “Қишлоқ шифокори” дастури доирасида олис ҳудудларда 191 нафар шифокор иш бошлади. Яна 171 та

Улар йил якунига қадар ва келгуси йил учун режаларини ҳам батафсил тушунтирди. Президентимиз муҳокама қилинган масалаларнинг барчаси фақат ва фақат халқимизни рози қилишга қаратилганини таъкидлади. Шу боис, барча вилоят, туман ва шаҳар ҳокимларига ўз ҳудудида тиббиётни ривожлантиришга муносабат ва ёндашувини тубдан ўзгартириб, бу масала бўйича жиддий бош қотириши кераклиги кўрсатиб ўтилди.

“Биз бугунги кунда инсон ҳаёти, унинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашни давлат сиёсатининг энг устувор йўналишига айлантирмоқдамиз. “Инсон – жамият – давлат” деган қоидадан ҳаётимизга жорий этмоқдамиз. Бу борада, ҳеч шубҳасиз, тиббиёт ғоят муҳим ўрин тутади. Бу соҳада масаланинг катта-кичиги йўқ. Ҳаммаси бирдек муҳим. Барча ҳокимлар, бу ерда

ДАВЛАТ ТИББИЙ СУҒУРТАСИ

АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ ДАВЛАТИМИЗ СИЁСАТИНИНГ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИДАН БИРИДИР

Президентимиз Шавкат Мирзиёев жорий йилнинг 18 март куни тиббиёт ходимлари билан ўтказилган очик мулоқотда 7 та муҳим йўналишни кўрсатиб, ҳар бир вазифа бўйича аниқ молиявий манбалар, ечим ва амалий механизмлар ҳақида тўхталиб ўтдилар.



Ана шу учрашувда “Биз халқимиз саломатлиги учун ҳар қанча маблағ ва куч-имконият сарфлашга тайёрмиз. Шахсан мен учун халқимиз саломатлиги ҳамма нарсадан устун ва қадрли. Лекин соҳага ажратилаётган маблағлардан тўғри фойдаланилаётими? Мени шу савол кўп ўйлантиради. Соҳа раҳбарлари ҳар бир сўмнинг кадрига етиши, уларнинг самарасини одамларимиз ўз ҳаётида ҳис этиши лозим”, деб таъкидлади Президентимиз. Аслида ҳам инсон қадр ва халқ манфаати улугъланадиган юртимизда амалга оширилаётган ҳар бир ислоҳотда аҳоли эҳтиёжлари ҳисобга олинган. Асосий мақсад ҳам аҳолининг молиявий қийинчиликка дуч келмай, зарур тиббий ёрдам олишини таъминлаш, эл саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган. Инсон ҳаётдан қимматроқ нарса йўқ. Шу боис соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш ва аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш масалалари Президентимизнинг доимий диққат марказидаги масалалардан бўлиб келмоқда.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 12 ноябрда қабул қилинган “Соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этишнинг янги модели ва давлат тиббий суғуртаси механизмларини Сирдарё вилоятида жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори аҳолини бюджет маблағлари ҳисобидан белгиланган тартибда сифатли тиббий ёрдам олишини кафолатлайди. Унга кўра, Давлат тиббий суғуртаси тизими 2021 йил 1 июлдан тажриба-синов тариқасида Сирдарё вилоятида жорий этилди. Ўтган даврда давлат тиббий суғуртаси механизмларини жорий этиш борасида бир қатор ишлар бажарилди. Аввало, касалликларни олдини олиш, уларни эрта аниқлаш, кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати ва кўламини оширишга эришилди. Янги тизимда тиббий хиз-

мат кўрсатишнинг ҳар бир даражасида давлат томонидан кафолатланган тиббий хизматлар ва дори воситалари пакети ишлаб чиқилди. Мазкур пакетлар бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари ва шифохоналарда Ўзбекистон фуқароларига ҳамда юртимизда доимий яшовчи чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга тақдим этилмоқда.

Бунда, оилавий шифокор ҳар бир муассаса тури бўйича тиббий хизматлар ҳажми ва клиник протоколларга мувофиқ, тор соҳа мутахассисларига ва зарур ҳолларда туман, вилоят ҳамда республика даражасидаги шифохоналарга йўланмалар беради. Оилавий шифокор йўланмаси олинмаган ҳолларда, шунингдек, кафолатланган пакетга киритилмаган тиббий хизматлар пуллик асосда кўрсатилади. Оилавий шифокор аҳолининг соғлиғи билан боғлиқ кўрсаткичларни мониторинг қилиш, касаллик тарихини юритиш, дори воситалари учун рецепт ёзиш ва кафолатланган пакетга мувофиқ тиббиёт муассасаларига йўналтиришни ягона электрон платформа орқали бажаради. Бу эса бемор ва тиббиёт ходимлари ўртасида юз бериши мумкин бўлган кўплаб тушунмовчиликларни олдини олади ҳамда шаффофликни таъминлайди.

Янги тизимнинг яна бир ижобий жиҳати давлат ва нодавлат тиббиёт ташкилотлари ўртасидаги соғлом рақобатни вужудга келтиришидир. Бу билан давлат ҳар бир фуқарога ўзи хоҳлаган клиникада даволаниши, ис-таган шифокоридан тиббий маслаҳат олиши учун имконият яратмоқда. Зеро, аҳоли учун ишлаб чиқилаётган электрон дастурлар орқали касаллик бўйича қайси шифо масканига мурожаат қилиш, шифокор қабулига ёзилиш, буюрилган дориларни топиш каби масалаларга ҳам осон ечим топилади. Энг муҳими, амалга оширилаётган бу каби ислоҳотлардан, яратилган қулайликлардан аҳоли беминнат баҳраманд бўлади.

Давлат тиббий суғуртаси механизмларини жорий этиш 2021 йилда Сирдарё вилоятида тажриба-синов

тариқасида амалга оширилаётган бўлса, унинг иккинчи босқичи 2023 йилда Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд, Навоий, Сурхондарё, Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳрида, учинчи босқич эса 2025 йилдан юртимизнинг барча ҳудудларига жорий этилади.

Шу билан барча мамлакатимизда аҳолига юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишда ошкоралик, адолатлилик ва шаффофлик тамойиллари асосида замонвий талабларга жавоб берадиган самарали хизмат кўрсатиш тизимини шакллантириш имконияти яратилади.

Бунда эса давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 28 июлда қабул қилинган “Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ушбу ҳужжатга асосан ўтган йилнинг 1 октябридан Давлат бюджети маблағлари ҳисобига имтиёзли тоифага кирувчи шахсларни электрон ахборот тизими орқали ҳисобга олиш ва навбат асосида даволанишга йўллаш тизимига 14 та тиббиёт муассаси ўтказилган бўлса, буларга жорий йилнинг 1 октябридан яна 12 та тиббиёт муассаси қўшилди. Ушбу муассасалар қаторида Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази, Республика ихтисослаштирилган урология илмий-амалий тиббиёт маркази, Академик Ё. Тўрақулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази, Болалар миллий тиббиёт маркази ва бошқа шифо масканлари бор. Жорий йилдан улар қаторига Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникаси, Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали клиникаси, Тошкент давлат стоматология институти клиникаси, Оролбўйи минтақаси ихтисослаштирилган кардиология ва кардиохирургия илмий-амалий тиббиёт маркази кабилар ҳам қў-

шилди. Ушбу тиббиёт муассасаларида имтиёзли тоифага кирувчи беморларга кўрсатилган юқори технологик тиббий ёрдам учун сарфланган харажатлар Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси томонидан қоплаб берилди ва беморлар учун тиббий хизматлар бепул амалга оширилади.

Яна бир жиҳати, ушбу ихтисослаштирилган тиббиёт муассасаларида молиялаштиришнинг янги механизми асосида беморларни ҳисобга олиш ва навбат асосида даволанишга йўллашнинг электрон ахборот тизимидан фойдаланилади. Шу тариқа беморлар касаллигига мувофиқ ихтисослаштирилган муассасаларда даволанишларини таъминлайдиган йўлланмалар берилди. Ушбу йўлланма ахборот тизимида автоматик тарзда шакллантирилади ва давлат ёки нодавлат тиббиёт ташкилотларида тиббий хизматлар олиш ҳуқуқини беради. Бунда беморларга ўзларининг даволанишига навбати ҳақидаги ахборотни олиш имкони яратилган. Бемор даволанишдан сўнг Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси даволаган муассасага базавий нархлар доирасида кўрсатилган тиббий хизматларни асословчи ҳужжатларга кўра сарфланган харажатларни Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тўлаб берилди. Бундан ташқари, 52 та ҳудудий тиббиёт муассасалари томонидан беморларнинг ўз яшаш ҳудудларида юқори технологик тиббий ёрдам кўрсатиш имкони яратилиб, натижада беморларнинг Тошкент шаҳрига келиб, овора бўлишларининг олди олиниб, уларнинг вақти ва маблағлари тежалмоқда. Энг муҳими, имтиёзли тоифага кирувчи шахслар тиббий хизмат кўрсатадиган давлат ёки нодавлат тиббиёт ташкилотларини танлаш ҳуқуқига эга бўлмоқда. Бунда бемор тиббиёт муассасасини Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси билан шартноматузганлар орасидан ўзига қулайини танлай олади.

Жорий йилнинг ўтган даврида Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тавсиясига асосан Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги 28 та хусусий клиникалар билан шартнома тузилди. Ана шу шартномаларга кўра имтиёзли тоифага кирувчи беморларга кўрсатилган юқори технологик тиббий ёрдам харажатлари Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси томонидан қоплаб берилмоқда.

Қайд этиш керакки, Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясида мамлакатимиз инсон кадрини юксалтириш борасида келгуси беш йиллик учун муҳим вазифа ва мақсадлар белгиланган. Уларга эришиш учун эса ҳар биримиз масъулдирмиз. Зеро мамлакатимиз келажаги ва ривожини учун ҳам-жихатлигимиз ва бирдамлигимиз муҳимдир.

Фаррух ШАРИПОВ,

Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси ижро этувчи директори.

УСТОЗГА ЭХТИРОМ

ҲАЛОЛЛИК МАРТАБАНИ БЕЗАЙДИ

Дунёда шундай инсонлар борки, ўзининг касбига бўлган садоқати, оила ва жамиятда тутган ўрни, эзгу фазилатлари, қолаверса, самимий ва камтарлиги билан халқимиз орасида обрў-эътиборга эга бўлиб, умр йўллари фақатгина яхшиликлар ила безайди.



Сурхондарёлик ажойиб инсон, халқимиз саломатлиги йўлида фидойиларча меҳнат қилиб келаётган тажрибали шифокор Ишмўмин Шамаевга юқоридаги эътирофли фикрлар қаратилган десак муболага бўлмайди. Бугунги мақоламиз қахрамони 90 ёшни қарши олаётган бўлсаларда, ҳамон фаолиятларини давом эттириб келмоқдалар.

Ишмўмин Шамаев 1932 йилнинг 5 ноябрида Сурхондарё вилоятининг Термиз шаҳрида таваллуд топган. Устозимиз 1941-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон уруши даврида мактабда тўлиқ таҳсил ололмади. 1945 йилдан 1951 йилгача 7-синфни аъло баҳолар билан тугатиб, илк бор Термиз шаҳрида очилган Термиз тиббиёт техникумига синовсиз фельдшер- акушерлик бўлимига ўқишга қабул қилинди. Шу орада Ишмўмин Шамаев йигитлик бурчини бажариш учун 1952 - 1955 йилларда Белорусь Республикасининг Осипович шаҳрида ҳарбий хизматда бўлиб, сержант унвони билан ҳарбий хизматни ўтаб қайтди. Аскарлик бурчини ўтаб қайтган ёш навқирон йигит 1955 йилда Термиз тиббиёт техникумида ўқишини давом эттириб, 1957 йилда ушбу техникумни имтиёзли диплом билан тугатди. Қалбидаги шифокорликка бўлган иштиёқ Ишмўмин Шамаевни Самарқанд тиббиёт институтига етаклади. Устоз 1957-1963 йилларда мазкур институтнинг даволаш факультетида таҳсил олди. Олийгоҳни ҳам аъло баҳолар билан тугатган ёш мутахассис илк фаолиятини 1963 йилда Термиз туманига қарашли 50 ўринли “Янгиарик” шифохонасида бошлади. Сўнгра бош врач лавозимига тайинланди. Ўз касбига жиддий эътибор қаратиб, астойдил меҳнат қилишга бел боғлаган етук мутахассис Ишмўмин Шамаев раҳбарият томонидан 1965 йилда Термиз худудий шифо масканида бош врач ва-

зифасига ўтказилди. 1967 йилгача ушбу тиббиёт муассасасида фаолият кўрсатган устозимиз раҳбарлик билан бир қаторда аҳоли орасида касалликларнинг олдини олиш масалаларига ҳам катта эътибор қаратди. Айниқса, трахома касаллиги авж олган бир пайтда ҳамширалар билан бирга уйма-уй юриб касалликни аниқлаб даволаш ишларини олиб борди. 1967-2005 йилларда тажрибали шифокор мақомини олган Ишмўмин Шамаев вилоят руҳий-асаб касалликлари диспансерида бош врач лавозимида фаолият юритиб, бунинг баробарида вилоят бош психиатри вазифасини ҳам бажарди. Тиббиётнинг ҳар бир йўналишида зарурат бўлгани каби мазкур соҳада ҳам ўзига яраша муаммолари бор эди. Бу каби долзарб масалалар ечимини бартараф этиш учун устоз вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасига таклиф киритиб, Денов шаҳрида туманлараро махсус тез психиатрик тиббий ёрдам хизматини алоҳида ташкил қилди. Шу билан бирга туманлар психиатрия кабинетларида амбулатор психиатрик хизматини яхшилаш мақсадида доимий худудларга чиқиб, ташкилий-услубий ишларни амалга ошириб келди. Малакали шифокорнинг ташаббуси билан шифохона базасида психосоматик беморлар учун 60 ўринга мўлжалланган бўлим ташкил қилинди. Бундан ташқари қалби эзгуликка йўғрилган, касбига садоқат билан ёндошган ва раҳбарликни сидқидилдан бажарган тажрибали мутахассис фаолияти давомида даволанувчилар учун кенг имконият ва шароитлар яратди, шифохона худудини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини олиб борди. Шунингдек, мазкур соҳада кадрлар етишмовчилиги бўлсада, бу муаммоларни ҳам бартараф этиб, мутахассислар масаласига катта эътибор қаратди. Эътирофлиси шундаки, устознинг ҳозирги кунда кўплаб шогирдлари, жумладан, Р. Досов, У. Долбаева, Ш. Давронов, М.Саидовалар психиатрия соҳасида меҳнат қилиб келишмоқда. Психиатрия йўналишида катта мактаб яратган устозимиз Ишмўмин Шамаев кўп йиллик фаолияти давомида мамлакатимиз ва бир қанча давлатларда малака ошириш курсларини ўтаган. Шунингдек, тажрибали ва моҳир шифокор Ўзбекистон ва хорижий давлатларда ўтказилган нуфузли анжуманларда иштирок этиб,

соҳанинг долзарб мавзулари бўйича маърузалар қилган.

Устозимизнинг кўп йиллик меҳнатлари давлатимиз томонидан инобатга олиниб, улар Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда давлатимиз томонидан кўкрак нишонлар ҳамда ҳукуматимиз ва вилоят ҳокимлигининг фахрий ёрликлари билан тақдирланганлар.

Мақоламизнинг бугунги қахрамони жамият ва оилада ўз ўрнини топган камтарин ва самимий инсонлардан бири бўлиб, турмуш ўртоғи марҳума Янгил опа билан 60 йил бахтли яшаб, 7 нафар фарзандни вояга етказишди. Эътирофлиси шундаки, оиланинг 5 нафар фарзанди ота касбини улуғлаб ши-

Айниқса, трахома касаллиги авж олган бир пайтда ҳамширалар билан бирга уйма-уй юриб касалликни аниқлаб даволаш ишларини олиб борди.

фокор ва ҳамширалик касбини эгаллаган бўлса, қолган фарзандлари эса турли соҳаларда меҳнат қилиб келишмоқда. Ҳозирги кунда устозимиз 20 нафар неварга, 35 нафар чевараларнинг ҳамда 1 нафар эваранинг сеvimли бобосидир.

Шу кунларда қутлуғ 90 ёшни қарши олаётган устозимиз Ишмўмин Шамаев айни кунда Сурхондарё вилоят руҳий касалликлар шифохонасининг диспансер бўлимида ўз фаолиятини давом эттириб келмоқда.

Кўп йиллар давомида Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва мамлакатимизнинг бир неча вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаларида раҳбарлик лавозимларида фаолият юритган ҳамда таниқли соғлиқни сақлаш ташкилотчиси, тиббиёт фанлари номзоди Ахрор Яркулов эзгу фазилатлари эгаси бўлган меҳрибон устоз Ишмўмин Шамаевга ўзининг қуйидаги эътирофли фикрларини билдирди.

Ишмўмин Шамаевни қарийб 50 йилдирки, акам, дўстим ва маслаҳатгўй устозим сифатида танийман, ҳурмат қиламан ва қадрлайман. Қадрдон устозимнинг эзгу фазилатларига эътироф берадиган бўлсам, сўз бойлигим камлик қилади. Ишмўмин ака Шамаев ўз касбига садоқат билан ёндошган қалби пок инсонлар сарасига қиради. У кишида самимийлик, меҳрибонлик, ғамхўрлик, хушмуомалалик, бағрикенглик, меҳнатсеварлик, шунингдек, инсонийликка хос фазилатлар мужассам. Яна бир ажойиб хислат-

лари, бир сўз билан айтганда каттао кичикка бир хил муносабатда. Бунинг баробарида, мамлакатимиз тиббиёт тизимида деярли 60 йил халқимиз саломатлиги йўлида астойдил хизмат қилиб, қанчадан-қанча беморларга нажот бахш этдилар. Ишмўмин ака Шамаев раҳбарлик фаолияти давомида вилоят руҳий касалликлар диспансери-нинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, кадрлар масаласига эътибор қаратиш, даволанувчилар учун кенг имкониятлар яратиш ҳамда аҳоли орасида тарғибот ишларини олиб боришда ҳам муносиб ҳисса қўшган етук соғлиқни сақлаш ташкилотчиси номига мушарраф бўлган инсондир. Эътирофлиси шундаки, устозим нафақат Сурхондарё вилояти балки бошқа вилоят ва туманларда ҳам психиатрия соҳасини ривожлантиришда соҳа мутахассисларига ўзининг амалий ва услубий ёрдамларини кўрсатди. Кўплаб иқтидорли шогирдлар етказди. Хулоса қилиб айтиладиган бўлсам, ўз касбининг билимдони Ишмўмин Шамаев Республикада психиатрия мактабини яратишда, қанчадан-қанча раҳбару шифокор ва ҳамшираларга ибрат бўлди. Албатта, бу каби илиқ фикрларни узоқ давом эттиришим мумкин. Ана шундай ибратли умр ва фаолият халқимиз орасида “Умр мазмуни”, деган шох сатрларда битилади. Зеро, устозимизнинг ҳам ҳаёт ва фаолият йўллари умр мазмунининг шох сатрлари бўлган тарих зарваракларидан ўрин олгани айни ҳақиқатдир. Яна бир аҳамиятли фикрим қадрдон акам, дўстим, устозим оила ва жамиятда ўз ўрнини топган бахтли инсондир. Бир-биридан ақлли, илмли ва тарбияли 7 нафар фарзандлари ва набиралари бугунги кунда халқимиз саломатлиги йўлида ҳамда ватанимиз равнақи йўлида хизмат қилишмоқда. Шунингдек, сеvimли неварга, чевара ва эваралари эса бобожонисининг бағрида. Бундан ортиқ бахт бўлмаса керак. Ҳамон қалби эзгуликка йўғрилган ва касбига садоқат билан ёндошган меҳрибон устозим Ишмўмин ака Шамаев айни кунда вилоят руҳий касалликлар диспансерида фаолият олиб бормоқдалар. Шун-

дай экан, фидойи, олийжаноб ва меҳнатсевар дўстим, акам ҳамда устозимни 90 йиллик қутлуғ ёшлари билан чин дилимдан қизғин қутлайман.

Мансур ЭРНАЗАРОВ, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ижтимоий таъминот ходими:

– Мен Ишмўмин Шамаев билан узоқ вақтдан бери танишман. Биз 1964 йилда Самарқанд Давлат тиббиёт институтининг талабалар ётоқхонасида учрашиб қолганмиз. Ишмўмин ака ўша пайтда институтнинг иккинчи курс талабаси ва ётоқхона старостаси эди. У кишининг курсдошларига нисбатан ёши каттароқ бўлиб, Сурхондарё вилоятига ишга келишимда Ишмўмин Шамаевни ҳиссалари катта бўлган. Мен аслида Самарқанд вилоятида таваллуд топганман. Термиз шаҳрига келиб, Ишмўмин ака билан бирга яна бир қадрдон дўстимиз билан учрашиб, иноқлашиб кетдик. У ҳам бўлса Амин Курбангелдиев эди. Аслида Қорақалпоғистон Республикасида туғилиб ўсган. Амин Курбангелдиев узоқ йиллар давомида Сурхондарё вилоят онкология диспансери-нинг бош врач вазифасида ишлаб келди. Учаламиз айрилмас дўст эдик. Ишмўмин Шамаев институтни битириб, Термиз туман тиббиёт бирлашмасида врач, кейинчалик бош врач бўлиб ишлади. Вилоят руҳий-асаб касалликлари диспансери-нинг бош врач вазифасида то нафақага чиққунча фаолият олиб борди. Ҳозирги пайтда 90 ёш арафасида ҳам навқирон акамиз оддий врач вазифасида фаолият юритиб келмоқда. У ўзининг чуқур профессионал билимдонлиги ва инсонпарварлиги билан нафақат Сурхондарё вилоятида, балки, бутун республика тиббиёт ходимлари орасида обрў эътибор топган самимий ва меҳрибон устоз сифатида танилган. Шунингдек, марҳума Янгил опа билан бахтли яшаб, етти нафар фарзандларини ўқимишли қилиб тарбиялашди. Улар ҳам ота-оналари каби ватанимиз равнақи учун меҳнат қилиб келишмоқда. Қадрдон дўстимни 90 йиллик юбилеи билан самимий қутлаб қоламан.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, тиббиёт соҳасида фаолият юритиш осон эмас. Албатта, ушбу касбда кўп йиллар давомида меҳнат қилишни ўзи бўлмайди. Чунки, тиббиётнинг ўзига хос сир саноатлари бор. Ана шундай, тизимнинг ўзига хос машаққатли йўллари босиб ўтган Ишмўмин Шамаев севган касбидан бахт топди, халқимизнинг дуосига мушарраф бўлди. Мана, устозимиз тез кунларда қутлуғ ёшларини кутиб олиш арафасида турибдилар.

Фурсатдан фойдаланиб, ажойиб ва камтарин инсон Ишмўмин Шамаевни қутлуғ ёшлари билан самимий қутлаб, мустаҳкам соғлиқ, оилавий хотиржамлик ва куч-қувват тилаб қоламиз.

Ибодат СОАТОВА,
журналист.

ВЕЧНАЯ ПАМЯТЬ

ПАМЯТИ ИСМАЙЛОВА САИДГАНИХОДЖА ИБРАГИМОВИЧА



25 октября 2022 г. перестало биться сердце ученого с мировым именем, профессора кафедры Эндокринологии с детской эндокринологией ТашПМИ Исмаилова Саидганиходжа Ибрагимовича.

Саидганиходжа Ибрагимович – доктор медицинских наук, профессор кафедры Эндокринологии с детской эндокринологией ТашПМИ, председатель Ассоциации Эндокринологов Республики Узбекистан, председатель апробационного Совета при ТМА, член Специализированного научного Совета при ТМА, член Международной Ассоциации хирургов эндокринологов, член Американской и Английской ассоциаций эндокринологов.

Исмаилов Саидганиходжа Ибрагимович родился 14 декабря 1948 года в семье педагогов. Уже после окончания учебы, в Университете Дружбы Народов им. П.Лумумбы в городе Москве, там же начал свою научно-исследовательскую деятельность в аспирантуре и в 1978 году здесь защитил кандидатскую диссертацию.

Исмаилов С.И. свою трудовую деятельность начал в 1977 году в Ташкентском филиале Всесоюзного хирургиче-

ского Центра. С 1981 года стал работать в Институте краевой медицины старшим научным сотрудником. 1988-1989 гг. – был руководителем научной лаборатории Эндокринной хирургии; 1989-1997 гг. – заместителем директора по научным вопросам и 1997-2009 гг. директором НИИ Эндокринологии, в последующем 2009-2016 гг. – директором РС-НПМЦ Эндокринологии.

Саидганиходжа Ибрагимович – создал школу эндокринной хирургии, именно им впервые в Республике начаты исследования по криоконсервации и трансплантации эндокринных органов, при его содействии открыт кабинет гистоморфологии для проведения экспресс-анализов в процессе операций, позволяющих при раке щитовидной железы принимать экстренное решение, об объеме хирургического вмешательства. Проводилась планированная работа по изучению йододефицитных состояний и сахарного диабета в Республике Узбекистан. Результатами его научных исследований была защита докторской диссертации в 1989 году в городе Харькове, на тему «Криоконсервация щитовидной железы с целью лечения гипотиреоза».

Предложенные им методы исследования и лечения позволяют улучшить диагностику, лечение и профилактику заболеваний щитовидной, паращитовидных желез и надпочечников.

Под руководством профессора в Институте Эндокринологии были созданы специализированные отделения диабетической нефропатии, диабетической стопы, нейроэндокринологии, нуклеарной медицины, репродуктивной эндокринологии.

Саидганиходжа Ибрагимович за период работы на должности директора, исходя из поставленных задач Законами «Об образовании», «Национальной программы по подготовке кадров» и «Государственной программой реформирования системы здравоохранения», провел ряд организационных и струк-

турных преобразований, направленных на подготовку конкурентоспособных медицинских кадров и высоко духовных личностей.

С. И. Исмаилов был активным сторонником углубления интеграции образовательного процесса с практикой и наукой, путем прививания молодым сотрудникам, с первых дней обучения, профессиональных практических навыков и формирования логического мышления.

Особенностью выполняемой работы/занимаемой должности было руководство и организация работы института и клиники, эндокринной службы Республики Узбекистан, научно-методическая и практическая помощь областным эндокринным диспансерам, внедрение в практику здравоохранения современных эффективных методов лечения и результатов выполненных научных исследований.

В воспитательной деятельности Саидганиходжа Ибрагимович опирался на общечеловеческие ценности и на богатое национальное духовное наследие, уделяя огромное внимание духовно нравственному росту педагогов и студентов.

Саидганиходжа Ибрагимович активно пропагандировал и являлся примером здорового образа жизни, его профессиональная деятельность соответствовала основам морали и этики, духовности и культуре, устоям и национальным традициям узбекского народа. По инициативе и под его руководством в институте, который является головным институтом по эндокринологии, разработаны стандарты лечения по эндокринологии в соответствии с квалификационной характеристикой и ГОСТом.

Результаты научных изысканий С.И. Исмаилова и его коллег-соавторов изложены в 7 монографиях, 3 учебниках, 7 монографиях, 22 руководствах, 10 патентах, 584 статьях, 87 методических

руководствах и пособий, в более ста других публикаций. С 1997 года под его руководством в институте защищены 7 докторских и 24 кандидатских диссертаций. Он участвовал в работе 45 съездов, 37 Международных Конгрессов, 72 научно-практических конференций.

Боль и скорбь переполняют сердца тех, кто был его учеником, знал и работал под его руководством. Это был удивительный человек, которого, кроме научной работы, интересовали судьбы людей, работающих рядом с ним. Он был мудрым оптимистом, искренним, прекрасным и очень добрым человеком, готовым поддержать и всегда прийти на помощь. Слова и слезы бессильны передать глубину постигнутого нас общего горя.

Выражаем искренние и глубокие соболезнования родным и близким ушедшего от нас Исмаилова Саидганиходжа Ибрагимовича. Его имя навсегда останется в сердцах благодарных учеников, сотрудников и тех, кто был знаком с ним.

*Учителя не умирают!
Их души продолжают жить.
Так свечка плавится и тает,
Но не перестаёт светить.*

*А если свет вот-вот погаснет
И, кажется, не уберечь,
Учеников зажгутся свечи!
Все – от одной. Десятки свеч!*

*Учителя не умирают,
Их души вечно будут жить!
Их звёзды, в темноте мерцая,
За нами тихо наблюдают
И не перестают ЛЮБИТЬ.*

Коллектив Республиканского Специализированного Научно-Практического Медицинского Центра Эндокринологии имени академика Ё. Туракулова.

КАСБ МАҲОРАТИ

ПАТРОНАЖНИНГ ЯНГИ ТИЗИМИДА ҚАТНОВЛАР СОНИГА ЭМАС, СИФАТИГА УРҒУ БЕРИЛАДИ

Универсал-прогрессив моделининг афзаллик жиҳатлари нималардан иборат? Шунингдек, маъмурият таъкидлаш керакки, янги моделда патронаж қатновининг сонига эмас, балки унинг сифатига урғу берилади.

Жумладан, «Муаммони аниқлаш ва йўналтириш» тамойилидан «муаммони келтириб чиқарадиган хавфни ўз вақтида аниқлаш ва йўқотиш ёки сезиларли даражада камайтириш» тамойилига ўтилади.

Шунингдек, касалликни ва тиббий муаммоларни аниқлаш билан чегараланмасдан, балки тиббий, ижтимоий, маърифий ва бошқа соғлиқни мустаҳкамлашга қаратилган тадбирлар мажмуаси амалга оширилади.

Болалик нафақат жисмоний саломатлигига, балки рухий-ҳиссий, ижтимоий ривожланиши, хавфсизлигига эътибор қаратилади.

Унинг саломатлиги оила ва атроф-муҳитдан ажратилган ҳолда эмас, балки оила (масалан, ота ёки онада

рухий тушқунлик ҳолатлари мавжудлигида, бепарволик ёки шафқатсиз муносабатда) ва маҳалла аралашувида кўриб чиқилади.

Юқоридагилардан ҳам маълум, ушбу тизимда патронаж ҳамшираларининг масъулият ва жавобгарлиги янада оширилади.

Бу эса ўз навбатида ўрта тиббиёт ходимларининг билим ва малакаларини ошириш заруратини юзага келтиради.

Патронажнинг универсал-прогрессив модели қандай ишлайди?

Ушбу патронаж тизимида ҳамшира икки хил режа асосида хомиладор ва ёш болали оилаларга хизмат кўрсатади.

Аввало, ҳамшира барча учун бир хил бўлган универсал патронаж хизмати орқали аҳоли хонадонларига бориб, аёллар ва болаларни текширувдан ўтказиши.

Агар текширув жараёнида хомиладор аёл ёки ёш болали оилаларда хавф омиллари кузатилса, уларнинг тиббий ҳолатига кўра, ана шу аёл ёки оила учун индивидуал, яъни прогрессив режа тузади ва ушбу режа асосида мазкур оилага патронаж хизмати кўрсатади.



Бунда ҳамширага ката ҳамшира, умумий амалиёт шифокори ва педиатр яқиндан кўмаклашади. Ушбу тиббиёт мутахассислари ҳамшира фаолиятини назорат қилиш билан бирга, унга прогрессив режа тузишга кўмаклашади.

Яъни, бундай ҳолатда оила саломатлигини тиклаш учун барча бирдек ҳаракат қилиши зарур.

**Зулхумор ТОЖИДДИНОВА,
Тошкент вилояти 67- сонли оилавий
поликлиника қатта ҳамшираси.**

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

ЁШЛАР ВА КЕЛАЖАК ҲАММАМИЗНИКИ

2022 йилнинг 25 октябрида пойтахтимизнинг «Юксалиш» умуммиллий ҳаракатининг конференц залида (он-лайн ва оф-лайн шаклда ҳам) «Тамаки ва қонун» мавзусига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Мазкур анжуман алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш масалаларига кенг жамоатчиликни жалб этиш ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида»ги янги Қонунни қўллаб-қувватловчи ахборот маконини мустаҳкамлаш мақсадида ташкил этилди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлиги, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси вакиллари, Тошкент шаҳридаги Халқаро Вестминстер университети академик лицейи, Ломоносов номидаги Москва Давлат университети Тошкент филиалининг ўқитувчи ва талаба-ёшлари, Қозғистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг жамоатчилик кенгаши аъзоси, «Тамакисиз» жамоат фонди директори, Евроосиё тамакига қарши курашиш коалицияси раиси Садикова Джамия (Қозғистон) ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар. Тадбирни Ибн Сино жамоат фондининг бошқарув раиси Нозимхон Маҳмудов кириш сўзи билан очиб, мавзу доирасида ўз фикрларини билдириб ўтди. Шунингдек, анжуман иштирокчилари ҳам сўзга чиқиб, тадбир дастурларини ўрин олган долзарб масалаларга тўхталдилар. Сўнгра Соғлиқни сақлаш вазирлигининг чекишга қарши кураши бўйича маслаҳатчиси, Ибн Сино жамоат фондининг «Тамакисиз келажак» лойиҳаси эксперти Шуҳрат Шукуров кун тартибидан ўрин олган «Тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш бўйича қонунчиликдаги бўшлиқлар. Янги қонун қабул қилинишининг зарурияти» мавзусида маъруза қилди ва қуйидаги фикрларни билдириб ўтди.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, тамаки ҳар йили бутун дунёда 8 миллиондан ортиқ кишини ўлдиради. Ушбу ўлим ҳолларининг 7 миллиондан ортиғи тамакини бевосита истеъмол қилиш оқибати бўлса, 1,2 миллионга яқини – бу иккиламчи тамаки тутуни таъсирида бўлган чекмайдиган одамлардир. Алкоголни зарарли истеъмол қилиш натижасида ҳар йили дунё бўйича 3,3 миллион ўлим ҳолати юз беради, бу эса

барча ўлим ҳолатларининг 5,3 фоизини (эркаклар орасида 7,7 фоиз, аёллар орасида 2,6 фоиз) ташкил қилади. Касалликлар ва жароҳатлар юқининг 5,1 фоизи алкоголь истеъмол қилиш натижасида юз беради. 20-39 ёшдаги одамлар орасида барча



барвақт ўлим ҳолатининг тахминан 13,5 фоизи алкоголь истеъмоли билан боғлиқ. Хусусан, жорий йилнинг 13 июнь кунини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ялпи мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан 2021 йил 21 декабрда қабул қилинган янги қонун кўриб чиқилиб, унда коллизия норма мавжудлиги сабабли рад этилди. Айни вақтда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Келишув комиссияси Сенатнинг тақлифлари асосида Қонунни қайта кўриб чиқиш ишларини якунламоқда. Шунингдек, маърузачи тадбир иштирокчиларига алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш бўйича қонунчиликдаги бўшлиқларни тўлдирish ҳамда қонунчиликдаги баъзи бир чекловларни кучайтириш ҳақида қуйидаги маълумотларни тақдим этди.

1. Тамаки маҳсулотига алоҳида таъриф берилиб, бундай маҳсулот гуруҳига:

таркибида хомашё сифатидаги тамаки барги ва (ёки) тамаки ўсимлигининг бошқа қисмлари мавжуд бўлган маҳсулотлар, шу жумладан чекиладиган маҳсулотлар (сигареталар, қиздириладиган тамаки маҳсулотлари, чилим учун тамаки) ва чекилмайдиган маҳсулотлар (носвой, тамаки снос, ҳидланадиган тамаки);

таркибида никотин ёки унинг ҳосилалари, шу жумладан чекиладиган маҳсулотлар (электрон сигареталар, никотин етказиб беришнинг электрон тизимлари учун никотинли суюқликлар) ва чекилмайдиган маҳсулотлар (никотинли снос);

таркибида тамаки ва никотин мавжуд бўлмаган, тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламалари ёрдамида фойдаланиш учун мўлжалланган маҳсулотлар (чилим қоришмаси, никотин етказиб беришнинг электрон тизимлари учун

никотинсиз суюқлик, никотинсиз суюқлиги бўлган электрон сигареталар) киритилмоқда.

Носвой, янги тамаки ва никотин маҳсулотларни тамаки маҳсулотига тенглаштиришуларнинг айланмасини қонунчилик билан тартибга солиш ва тамаки маҳсулотига белгиланган барча чекловларнинг бундай маҳсулотларга ҳам тегишли бўлишини таъминлайди.

2. Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи органларнинг (Ички ишлар вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Бош прокуратура хузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти, Давлат божхона қўмитаси, Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлиги, Истеъмолчилар ҳуқуқларини химоя қилиш агентлиги, Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги) вазифалари аниқланмоқда.

3. Алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ва истеъмол қилиш мосламаларини реализация қилинишига нисбатан янги тақиқлар киритилди. Хусусан:

йигирма бир ёшга тўлмаган шахсларга (изоҳ: йигирма ёшдан йигирма бир ёшга қўтарилди), йигирма бир ёшга тўлмаган шахслар томонидан;

сотувчининг бевосита иштирокисиз, шу жумладан савдо автоматлари, бошқа электрон ёки механик қурилмалар воситасида;

электрон тижорат шаклида (бундан кўпикланадиган ва табиий винолар мустасно), реализация қилиниши тақиқлаш кўзда тутилмоқда.

Сотувчи йигирма бир ёшдан кичик кўринган харидордан унинг шахси ва ёшини тасдиқловчи ҳужжатини кўрсатишни талаб қилиши, ҳужжат мавжуд бўлмаган тақдирда эса реализация қилинишини рад этиши шартлиги белгиланмоқда.

4. Чакана савдо амалга ошириладиганда тамаки маҳсулотини, тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларини ёйиб қўйиш ва очик намоёйиш этишни тақиқлаш назарда тутилмоқда.

5. Тамаки маҳсулоти ва истеъмол қилиш мосламалари-



нинг улгуржи ва чакана савдоси юридик шахслар ҳамда яқка тартибдаги тадбиркорлар томонидан амалга оширилиши мумкинлиги белгиланмоқда.

6. Тамаки маҳсулотининг истеъмол ўровига (кутисига) тиббий оғохлантиришларни жойлаштириш учун ажратилган майдон юзаси 40 фоиздан 65 фоизга оширилмоқда. Шундай талаб истеъмол қилиш мосламаларига ҳам белгиланмоқда.

7. Носвойдан ташқари барча чекилмайдиган тамаки маҳсулотларини, шу жумладан таркибида никотин мавжуд бўлган чекилмайдиган маҳсулотларни Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида реализация қилишни тақиқлаш кўзда тутилмоқда.

8. Алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш, истеъмол қилиш мосламаларидан фойдаланиш мумкин бўлмаган жамоат жойларининг аниқ рўйхати кўрсатилиб, чекиш учун ажратилган маҳсулотларга минимал талаблар белгиланмоқда. Шунингдек, бундай жойларда чекишга йўл қўйилмаслик учун масъул шахсларнинг (ташкilotларнинг мансабдор шахслари, ўз тасарруфида бинолар, иншоотлар, жамоат транспорти бўлган) шахсларнинг мажбуриятлари аниқланмоқда. Муҳокама иштирокчилар Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси маълумотларини келтирдилар: мактаб ва жамоат жойла-

рида ўтказилган рейдлар давомида мактаб ўқувчиларининг ёнларидан тамаки маҳсулотларини топиш йилдан-йилга ошиб борган: 2019 йилда 110 та ҳолат, 2020 йилда 242 та, 2021 йилда 336 та, 2022 йилнинг биринчи ярмида 220 та ҳолат аниқланган, яъни 2020 йилда ўтган йилга нисбатан 2,2 баробар, 2021 йилда эса - 1,4 баробар ошган. Вояга етмаганлар ёнидан топилган тамаки маҳсулотларининг аксариятини никотинли снослар (59 фоиз), тамаки снослар (18,8 фоиз), сўнгра электрон сигареталар (8,5 фоиз), оддий сигареталар (7,7 фоиз), носвой (4,4 фоиз) ва тамакини қиздириш тизими (1,5 фоиз) ташкил этган. Шунингдек, вояга етмаганлар ёнидан 2019 йилда 74 та, 2020 йилда 112 та, 2021 йилда 184 та, 2022 йилнинг биринчи ярмида 166 та ҳолатда никотинли снослар топилган ёки ҳар йили ўтган йилдагига нисбатан 50-60 фоизга кўпайган. Маърузачи ўз фикрларини баён этар экан, Қонунни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан тезроқ қабул қилиниши ёш авлодни тамаки саноати маркетинг таъсиридан камайитириши, ёшлар орасида чекиш даражасини қисқартиришга ва миллат генофондини химоя қилишга муносиб ҳисса қўиши муҳимлигига алоҳида эътибор қаратди.

Тадбирда онлайн шаклда иштирок этган Евроосиё тамакига қарши курашиш коалицияси раиси Жамила Садикова (Қозғистон) ва бошқа иштирокчилар ҳам сўзга чиқиб бу борадаги фаолиятларга атрофлича ёндошиб, ўз фикрларини билдириб ўтдилар. Тадбирда оммавий ахборот воситалари вакиллари Ўзбекистон Республикасининг «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида»ги янги Қонунини илгари суриш бўйича вазият ҳақида маълумот берилди.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, баҳс ва мунозарага бой бўлган тадбирда қўтарилган масалалар ҳамон оғриқли нуқта бўлиб келадиганлиги ҳеч биримизга сир эмас. Шундай экан, бундай зарарли одатлардан ёшларимизни асраш ҳар биримизнинг олдимизда турган катта масъулиятдир. Афсуски, айрим жамоат ташкилотларининг ушбу глобал масалага бепарқ бўлаётганликлари ачинарлидир. Зарарли одатларни ўзига тақлид қилиб, унинг гирдобига кириб қолаётган фарзандларимизни асраб-авайлашнинг вақти келди. Бир сўз билан айтганда ёшлар ва келажак ҳаммамизники. Бу борадаги янги қонунимиз тез орада ўзининг натижасини беришига ишончимиз комил.

Ибодат СОАТОВА.

МУТАХАССИС МАСЛАҲАТИ

ЭКЗОГЕН АЛЛЕРГИК АЛЬВЕОЛИТ КАСАЛЛИГИДАН КИМЛАР КЎПРОҚ АЗИЯТ ЧЕКАДИ?



Шундай хасталиклар борки, уларни махсус диагностик воситалар, лаборатор текширувлар ва тор соҳа мутахассислари кўмагисиз аниқлаш ҳам, даволаш ҳам мушкул. Чунки намоён бўладиган аломатлар бошқа касалликлар белгилари билан жуда ўхшаш.



Келиб чиқиш сабабларини ҳам осонгина ажратиш қийин. Экзоген аллергик альвеолит — шулардан бири. Уни касб касалликлари сирасига киритиш мумкин. Чунки бу дарддан кўпроқ паррандачилик фабрикалари ишчилари, товуқ ва қуш боқувчилар кўпроқ азият чекади. Экзоген аллергик альвеолит иммунитет тизимининг аллергенларга реакцияси туфайли юзага келиб, ўпка тўқималари яллиғланиши билан кечади. Масалан, моғор, пичан, қуш ва парранда патлари ва ахлати, кўзикорин споралари, уй, сабзавот ва қаҳва чанги, дорилар ҳамда бошқа кимёвий ва органик моддалар — бунинг сабабчилари. Мазкур аллергенлар жуда кичик ҳажмда бўлгани туфайли бронхлар ва трахеяда ўрнашолмайди ва асосан ўпка альвеолаларида жойлашади. Оқибатда аллергик реакция чоғида ўпка яллиғланиб, худди гриппга чалинган беморлар-

даги сингари нафас сиқиши, йўтал, қуруқ балғам ажралиши, тана ҳарорати кўтарилиши каби ҳолатлар кузатилади. Аввалига бемор аллерген жойлашган ҳудудга киргач, аҳволи ёмонлашиши, тоза ҳавога чиққандан сўнг эса аломатлар сезиларли даражада камайиши ва 2-3 кун ўтиб бутунлай йўқолиб кетиши ҳам мумкин. Бироқ аллерген билан алоқа мунтазам давом этса, бора-бора хасталик ривожланиб, сурункали шаклга ўтади. Оқибатда нафас қисиши ва йўтал доимий тусга киради. Вақт ўтган сайин беморнинг аҳволи оғирлашиб, ҳорғинлик, заифлик, иштаха пасайиши, вазн йўқотиши, мушаклардаги оғриқлар кучаяди. Касалликнинг сурункали шаклида бемор аллергия кўзгатувчи моддалар билан рўбарў келмаса, аломатлар вақтинча камайиши мумкин, аммо улар бутунлай йўқолмайди. Болаларда аллергик альвеолит катталарга қараганда камроқ учрайди. Уларда ҳам

хасталик кўзгатувчиси юқорида саналган органик ва кимёвий моддалар ҳисобланади. Кичик ёшли беморларда намоён бўладиган симптомлар катталарникига ўхшаш, аммо ўғил-қизларда альвеолит янада ўткир шаклда кечади.

Хўш, касаллик қандай аниқланади? Даво муолажалари нималарни ўз ичига олади?

ЎПКАДАГИ ЯЛЛИҒЛАНИШЛАР ҚАНДАЙ ДАВОЛАНАДИ?

Иситма, йўтал, нафас етишмовчилиги, ҳолсизлик, чарчоқ, мушаклардаги оғриқлар... Бу паррандачилик фабрикалари ишчилари, товуқбоқарлар ва қуш парваришловчиларда кўпроқ учрайдиган экзоген аллергик альвеолит белгилари бўлиши мумкин. Аммо аҳоли орасида бу касаллик кўп кузатилмагани ва ўхшаш симптомлари боис, тиббий амалиётда унга кам ҳолларда ўз вақтида ва тўғри ташхис қўйилади.

Аввало, хасталикка тўғри ташхис қўйиш муҳим. Бунинг учун шифокор бемор шикоятларини эшитиб, унинг қандай машғулот ёки юмуш билан шуғулланишини билиши керак. Шундан сўнг аллерголог-иммунолог кўригидан ўтиш лозим. Мутахассис беморга қатор тиббий текширувларни буюради.

Ҳозир Республика илмий ихтисослаштирилган аллергология маркази ва унинг ҳудудий филиалларида ана шундай касалликларни аниқлаш ва даволаш самарали йўлга қўйилган.

Илмира РАЗИКОВА,
Республика илмий ихтисослаштирилган аллергология маркази
директори, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

Аллергик реакция чоғида ўпка яллиғланиб, худди гриппга чалинган беморлардаги сингари нафас сиқиши, йўтал, қуруқ балғам ажралиши, тана ҳарорати кўтарилиши каби ҳолатлар кузатилади. Аввалига бемор аллерген жойлашган ҳудудга киргач, аҳволи ёмонлашиши, тоза ҳавога чиққандан сўнг эса аломатлар сезиларли даражада камайиши ва 2-3 кун ўтиб бутунлай йўқолиб кетиши ҳам мумкин.

Даставвал, аллергенларни аниқлашга қаратилган қон таҳлили, кўкрак қафаси органларининг компьютер томографияси ўтказилади. Спирометрия, бронкоскопия, биопсия натижалари ўрганилади. Агар беморда аллергик альвеолит шубҳа қилинса, ўпка ҳажми, ўпка тўқималарининг кислород ўтказувчанлиги даражаси аниқланади. Аниқ ташхисдан сўнг шифокор беморнинг ҳолати ва таҳлиллар натижаларига кўра, муолажа курсларини тайинлайди. Биринчи босқичда бемор аллергенлар таъсирдан холи бўлиши шарт. Баъзилар шунинг ўзи билан, яъни дори воситаларидан фойдаланмай туриб ҳам дардидан халос бўлиши мумкин. Фақат бунинг учун ташхис ўз вақтида қўйилиши лозим. Қолаверса, бунда беморнинг тиббий таҳлил натижалари ҳам ҳисобга олинади. Агар симптомлар давом этса, шифокор ўпка тўқималарида яллиғланишни бартараф этиш учун гормонал таблеткалар ва антифибротик дориларни буюради. Текширув чоғида бронхларнинг торайиши аниқланса, даволанишга бронходилататор препаратлар қўшилади.

Ўпканинг жиддий шикастланишида эса кислородли терапия тайинланиши мумкин. Хасталикнинг сурункали шаклида узок муддатли муолажа талаб этилади. Чунки аллерген билан алоқа тўхтатилгандан кейин ҳам беморда симптомлар сақланиб қолади. Бу эса кўпинча ўпка тўқималарида тикланмас ўзгаришларни ҳосил қилади.

Ўпканинг жиддий шикастланишида эса кислородли терапия тайинланиши мумкин. Хасталикнинг сурункали шаклида узок муддатли муолажа талаб этилади. Чунки аллерген билан алоқа тўхтатилгандан кейин ҳам беморда симптомлар сақланиб қолади. Бу эса кўпинча ўпка тўқималарида тикланмас ўзгаришларни ҳосил қилади.

МИННАТДОРЧИЛИК МАКТУБИ

БАХТИМИЗГА ОМОН БЎЛИНГ!

Мен хасталигим боисдан республиканинг кўпгина тиббиёт муассасаларида даволандим. Жумладан, яқиндагина академик Е. Тўрақулов номидаги Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий эндокринология тиббиёт маркази нейроэндокринология бўлимида ҳам.

Мени хасталигим 2009 йилда аниқланган бўлсада, шундан буён 30 мартадан ортик ётиб

олган муолажаларни ўзи бир томон охиригга етган жойимдан олган 10 кунлик муолажамни ўзи бир томон бўлди. Шунча йилдан буён кийнаб келаётган дардимнинг асл сабаби шу ерда аниқланди ва дардимнинг давосини шу ердан топдим. Бўлимдаги беморларнинг даволашдаги жонқуярлигига хос бўлган Малика Миртўхтаева ҳамда ҳамкасбларининг хизмати бекиёс деб биламан. Гапларимнинг оддийгина исботини тунтираман. Кўпгина тиббиёт муассасаларида даво-

ланиб чиққан беморларнинг биринчи гапи, “Бу ерни энди елкамнинг чуқури кўрсин”, дейишади. Аммо мен охиригга марта даволаниб чиққан бўлимда шифо топган беморларнинг ҳали даволаниш муддати тугамасданок Маликага берадиган биринчи саволлари, - “Яна қачон қайтиб келсам бўлади?” – деган савол эканлиги мени юқоридаги фикрларимни тўлиғича исботласа керак деб ўйлайман. Ҳақиқатдан ҳам ўз касбининг устаси Малика Миртўхтаева ва унинг атрофидаги ўз касбининг фидойилари бўлган барча тиббиёт ходимларига ва уларни ўстирган ота-оналарига минг бор раҳмат!

Абдулла МАМАТОВ,
Навоий шаҳри.

ДОЛЗАРЪ МАВЗУ

ОНА ВА БОЛА САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

Бухорода Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитасининг ишчи гуруҳи томонидан репродуктив саломатликни сақлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳолати ўрганилди.



Ишчи гуруҳ дастлаб Бухоро вилояти ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармасида йиғилиш ўтказди. Унда соҳа мутахассислари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди. Таъкидланганидек, Президентимизнинг 2021 йил 28 июлдаги “Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ Бухоро вилоятида 3 та, жумладан Гиждувон, Ромитан ва Қорақўл туман тиббиёт бирлашмалари негизида туманлараро перинатал марказларини босқичма-босқич ташкил этиш белгиланган. Бугунги кунда вилоят аҳолисининг 517 минг 323 нафари ёки 26 фоизини туғиш ёшдаги аёллар ташкил этади. Жорий ҳолатда 33 мингдан ортиқ ҳомиладор аёллар ҳисобга олинган. Жорий йилнинг 9 ойи давомида жами туғруқлар сони 31 минг 244 тани ташкил этди. Жорий йилнинг ўтган даврида туғиш ёшидаги 478 минг нафар

аёллар тиббий кўрикдан ўтказилган. Гинекологик касалликлар аниқланган 187 минг 902 нафар аёллар соғломлаштирилган. Аёллар ва чақалоқларга юқори малакали акушер-гинекологик ёрдамни янада яқинлаштириш мақсадида жорий йилнинг 1 январидан Ромитан, Қорақўл ва Гиждувон туманларида жами 345 шифо ўрнига мўлжалланган туманлараро перинатал марказлари фаолияти йўлга қўйилган. Мобил устунли фототерапия аппарати билан жиҳозланган. Вилоят перинатал маркази ва 9 та туман тиббиёт бирлашмасига қарашли туғруқ комплекслари 34 та кардиомонитор, 70 та оилавий шифокор поликлиникалари УЗИ ҳамда ЭКГ аппаратлари билан таъминланган.

Вилоятдаги туғруқ муассасаларининг моддий техник базасини яхшилаш мақсадида 8 турдаги жами 80 дона замонавий тиббий асбоб-ускуналар учун 6 миллиард 748 миллион сўм маблағ ажратилган. Ҳозирги кунда мазкур маблағ тиббиёт бирлашмалари томонидан

ўзлаштирилиб туғруқ бўлимлари учун тиббий асбоб-ускуналар харид қилинмоқда.

– Сўнгги йилларда давлатимиз раҳбари томонидан тиббиёт соҳасида олиб борилган ислохотлар, жумладан, оналар ва болалар саломатлигига алоҳида эътибор қаратилмоқда, – дейди ишчи гуруҳ раҳбари, Олий Мажлис Сенати аъзоси Абира Ҳусейнова. – Сенаторлар томонидан



жойларда қонунлар ижроси бўйича ўтказилган ўрганишлар ва аҳоли билан учрашувлар давомида тиббиёт соҳасидаги муаммолар кўтарилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг “Репродуктив саломатликни сақлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳолатини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Бугунги кунда аёллар ва болаларга малакали, ихтисослаштирилган юқори технологик тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича республиканинг барча ҳудудларида даволаш-профилактика муассасалари хизмат кўрсатмоқда. Республикада ҳомиладор аёллар ҳамда янги туғилган чақалоқлар учун барча туғруқ муассасаларида мақсадли перинатал тиббий ёрдам йўлга қўйилган. Перинатал марказларда чақалоқлар патологияси ва реанимацияси бўлимлари фаолият кўрсатмоқда.

Мамлакатимиздаги барча туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникаларидаги перинатал скрининг хоналари замонавий ультратовуш аппарати билан жиҳозланган. Натижада, ҳомиладор аёлларни скрининг билан қамраб

Шу кун сенатор Абира Ҳусейнова бошчилигидаги ишчи гуруҳ Бухоро вилояти перинатал маркази, Бухоро шаҳар туғруқ мажмуаси, Ромитан тумани тиббиёт бирлашмалари негизидаги туманлараро перинатал марказларида аёллар учун яратилган шароитларни ўрганди.

Маъмураҳон САФОЕВА
Бухоро вилоят ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармасининг бош мутахассиси.

ТАШАККУРНОМА

“ИМКОН” РЕАБИЛИТАЦИЯСИ
МАРКАЗИ ЖАМОАСИГА

Тошкент вилояти Қибрай туманида жойлашган “Имкон” реабилитация маркази ташкил этилганига ҳали унча кўп вақт бўлмаган бўлсада, келажакимиз бўлган ёш авлодга самарали реабилитация хизматини кўрсатиб келмоқдалар.

Марказда турли хил ташхисли 18 ёшгача бўлган болаларга, ҳаётга мустақил кадам қўйишларида, ўз-ўзига хизмат кўрсатишида керакли бўлган барча муолажалар йўлга қўйилган. Жумладан, даволовчи жисмоний тарбия, уқалаш терапияси, мотомед, физиотерапия, сенсор-

хона, эртак терапияси, майда қўл моторикаси хонаси, мустика терапияси, ҳамда, дефектолог, психолог педагогик дарслари мавжуд. Марказ жамоаси турли ташхисга эга ёш ниҳолларга зарурий муолажалар ўтказиб, уларни оёққа туришларида баҳоли қудрат хизмат қилиб, болалар ва ота-

оналарининг таҳсинига сазовор бўлмоқдалар.

Биз ёш ота-оналар ана шу даргоҳда фаолият олиб бораётган директор Г. Оманова, даволаш ишлари бўйича директор ўринбосари М. Ибрагимова, таълим-тарбия ишлари бўйича директор ўринбосари К. Аминова, умумий саволлар бўйича директор ўринбосари М. Абдуллаева, ДЖТ раҳбари Е. Мельникова, дефектолог Н. Ибрагимова ва Н. Тохиржоннова, уқаловчи С. Ҳошимова

ва бошқа барча ходимлардан жуда жуда миннатдормиз.

Фарзандимиз Фотиماҳон Низамовани 1 йилдан буён ушбу марказга ойлик курсларга олиб келмоқдамиз. Марказ ходимлари қизимизга ўз фарзандларидан ҳам аъло даражада қараб, оёққа туришида кўмаклашиб, унинг инжиқлик ва шўхликларига қарамасдан қалбларидаги меҳрни бериб, касбий малакалари билан унинг ҳаётга бўл-

Сиз азиз меҳри дарё шифокорларга яқинлашиб келаятган касб байрамингиз “Шифокорлар куни” муборак бўлсин деб қоламиз. Неча минглаб хаста дилларга шифо таратаётган шифобахш қўлларингиз асло дард кўрмасин азиз шифокорлар.

Садриддин НИЗАМОВ,
Дилноза НИЗАМОВА,
Тошкент шахри.


КОНФЕРЕНЦИЯ

КАРДИОЛОГИЯ СОҲАСИДАГИ ЮТУҚЛАР ЖАҲОН ЭКСПЕРТЛАРИ НИГОҲИДА

Жорий йилнинг 21-22 октябрь кунлари Хива шаҳрида “Профилактикадан юқори технологияларгача: мамлакатнинг барча ҳудудларида амал қилувчи кардиология” мавзусида халқаро илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди. Тадбирда юртимиз кардиологлари ҳамда АҚШ, Россия, Германия, Швейцария, Чехия, Польша, Туркия, Ҳиндистон, Озарбайжон, Беларусь, Қозоғистон, Тожикистон каби мамлакатлардан ташриф буюрган соҳа олимлари иштирок этишди.



Конференцияда артериал гипертония ва юрак ишемик касалликлари профилактикаси, илғор даволаш ва диагностика усуллари, кардиожарроҳлик амалиётида қўлга киритилган ютуқлар муҳокама қилинди. Шунингдек, анжуман доирасида юрак қон-томир тизими хасталиклари муолажасида инновацион ёндашувлар ҳамда каминвазив усуллари қўллаш бўйича хорижий мутахассислар билан тажриба алмашиш, маҳорат дарслари бўлиб ўтди.

Равшан ҚУРБОНОВ, Ўзбекистон қахрамони, академик.

Мазкур анжумани бежизга “Про-



филактикадан юқори технологияларгача: мамлакатнинг барча ҳудудларида амал қилувчи кардиология” деб номамадлик. Асосий мақсад – юрак қон-томир касалликларини олдини олиш ва ўлим кўрсаткичларини камайтиришдан иборатдир. Албатта, тадбир доирасида танлаб олинган мавзулар ўзининг долзарблиги ва юқори салоҳиятга эгаллиги билан иштирокчилар диққатини жалб этди. Агар биз кардиология ва кардиожарроҳлик соҳасидаги муваффақиятларимизга назар ташлайдиган эришган ютуқларимиз каторида муаммоларимиз ҳам йўқ эмас.

Ушбу анжуманда муаммолар ечи-

мига ҳам катта эътибор қаратилди. Мутахассис сифатида айтмоқчиманки, бу халқаро анжуман доирасида мамлакатимиз вилоятлари ҳамда узок ҳудудлардан ташриф буюрган соҳа мутахассисларининг иштироки мени қувонтирди. Чунки, ўз номига эга бўлган халқаро анжуманда чет эллик ҳамкасбларим билан ўзаро тажриба алмашинувига эришилди.

Хуршид ФОЗИЛОВ, Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази директори, профессор:

Албатта, мазкур халқаро анжуман кенг аудиторияда олиб борилди. Бун-

дан асосий мақсад вилоят ва туманлар кесимида фаолият юритаётган кардиологларимизнинг ҳар томонлама илмий салоҳиятини оширишдан иборат. Ушбу нуфузли анжуманда бир қатор хорижий давлатлардан олимлар ўзларининг маърузалари билан иштирок этишди. Мамлакатимиз кардиологлари хорижлик мутахассислар билан ўзаро амалий ва назарий тажриба алмашиш имкониятига эга бўлдилар. Маълумки, кейинги йилларда кардиология соҳасидаги катта ўзгаришлар натижасида бир қатор ижобий ютуқлар қўлга киритилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 26 январдаги “Юрак қон-томир касалликларининг олдини олиш ва даволаш сифатини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори эълон қилинди. Қарор ижроси бўйича РИКИАТМ ва унинг вилоят филиаллари томонидан чора-тадбирлар белгилаб олинди. Мазкур қарор бўйича асосий эътибор тиббиётнинг бирламчи бўғини ва шифокорларнинг билим даражала-

Ушбу халқаро анжуманда ҳамкасбларим билан ўзаро тажриба алмашиб, амалий ва назарий билимларимни бойитишга эришдим. Ўзбекистонлик кардиологларнинг бу борада олиб бораётган фаолиятлари ниҳоятда таҳсинга лойик. Хулоса ўрнида айтишим жоизки, соҳада эришилаётган муваффақиятларнинг барчасида Давлатингиз раҳбарининг тизим фаолиятига бўлган юксак эътиборини кўрдим. Мазкур йўналишдаги ҳамкорлик ишларимиз келгусида ҳам янада бардавом бўлишига ишонаман.

Анвар САГИРОВ, Оролбўйи минтақасида ихтисослаштирилган кардиология ва кардиохирургия илмий-амалий тиббиёт маркази директори:

Давлатимиз раҳбарининг бизнинг марказимизга ташрифи ва соҳа тараққиёти бўйича бераётган амалий ёрдамлари туфайли аҳолига хизмат кўрсатиш сифати тобора ошиб бормоқда. Марказда юқори технологик амалиётларни бажариш мақсадида замона-

вий тиббий техника ва асбоб-ускуналар олиб келинди. Бу ерда қўлланаётган барча кардиологик даволаш, диагностика усуллари, замонавий интервенцион, аритмологик, кардиожарроҳлик амалиётлари самарали йўлга қўйилган. Таъкидлашим муҳимки, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 12 ноябрдаги 677-сонли Қарори билан РИКИАТМнинг Урганч филиалига “Оролбўйи минтақасида ихтисослаштирилган кардиология ва кардиохирургия илмий-амалий тиббиёт маркази” мақоми берилди ва бу Марказ Оролбўйи аҳолиси, Хоразм, Бухоро вилоятлари тиббиёт муассасаларига кардиологик, кардиожарроҳлик йўналишида услубий-амалий ёрдам кўрсатадиган илмий марказга айланди. Шунингдек, марказимиз ҳозирда Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро ва бошқа қўшни вилоятлар аҳолисига ҳам хизмат кўрсатмоқда. Кенг аудиторияда ўтказилган анжуман доирасидаги долзарб мавзулар, маҳорат дарслари хорижлик олимлар билан бирликда олиб борилди. Бу, албатта, мутахассисларимизнинг тажриба қўламини оширишда муҳим пойдевор бўлиб хизмат қилишига ишончим комил.

Анна ХАНСЕН, (Дания):

Бутун дунёда, шу жумладан Ўзбекистонда ҳам юрак қон-томир касалликларини даволаш, профилактикаси бўйича самарали ишлар олиб борилаётганига гувоҳ бўлмоқдамиз. Албатта, ушбу касалликларнинг келиб чиқишининг асосий сабаблари соғлом турмуш тарзига амал қилмаслик, шунингдек зарарли одатларга берилиб кетиш ва ўз саломатлигига эътиборсиз муносабатда бўлишдир. Таъкидлаш муҳимки, кейинги йилларда юрак хасталиклари ёшариб бораётганлиги барчамизга ташвишга солмоқда. Олдинлари бу касалликлар асосан катта ёшдагиларда учраса, эндиликда ёшлар орасида ҳам кузатиляпти.

Ибодат СОАТОВА.

АНЖУМАН

ЎЗБЕК ТРАВМАТОЛОГ-ОРТОПЕДЛАРИ ЭРИШГАН ЮТУҚЛАР ХОРИЖЛИК ОЛИМЛАР ТОМОНИДАН ҲАМ ЭЪТИРОФ ЭТИЛДИ



Кун кеча пойтахтимизда Ўзбекистон травматолог-ортопедларининг X съезди бўлиб ўтди. Соҳа ривожининг устувор йўналишларига бағишланган мазкур тадбирда юртимиздан 200 нафар ва АҚШ, Россия, Жанубий Корея, Туркия, Ҳиндистон, Бангладеш, Беларусь, Украина ҳамда Қозғистон давлатларидан 50 нафардан ортиқ тиббиёт олимлари ва мутахассислар иштирок этди.

Анжуманда сўзга чиққан Соғлиқни сақлаш вазирлиги ўринбосари Улуғбек Сабиров таъкидлаганидек, кейинги йилларда Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт марказида энг илғор дилдан фойдалана бошланди. Шунингдек, марказ “аср касаллиги” деб тан олинган остеопороз хасталигини ўрганиш ва даволаш бўйича мамлакатимиз-



лажаси учун хорижий мамлакатларга боришига ҳолат қолмади. Съездда ана шу ютуқлар нафақат юртимиз вакиллари, балки хорижлик қатнашчилар

Понсети усулида даволаш мазусида симпозиум ва сколиоз касаллигини янги жарроҳлик технологиялари орқали муолажа қилишга бағишланган маҳорат

Хусусан, соғломлаштириш акцияси доирасида операцияга йўналтирилганлар орасида таянч-ҳаракат тизими хасталикларидан азият чекаётган беморлар ҳам кам эмас. Айни кунда улар Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт марказида чет эллик мутахассислар иштирокида инновацион муолажа усуллари орқали саломатлигини тикламоқда.

– Ҳозир муассасамизга Ҳиндистоннинг “Artemis” госпитали, Россия травматология ва ортопедия миллий тиббиёт маркази ҳамда АҚШнинг Калифорния университети мутахассислари ташриф буюрган, – дейди марказ директори Мурод Ирисметов. Масалан, Ҳиндистонлик ҳамкасбларимиз билан биргаликда елка бўғими касалликларида вужудга келадиган контрактуралар, яъни кўлни бутунлай ёки қисман кимирлагга олмаслик, жуда кучли оғриқ билан кечадиган ҳолатларни бартаф этишга қаратилган амалиётларни ўтказдик. Бу сингари илғор артроскопик ва эндоскопик муолажа усуллари натижасида бир гуруҳ беморлар узок йиллик хасталигидан санокли соатлар ичида халос бўлди. Шунингдек, АҚШдан ташриф буюрган тиббиёт олимлари билан ҳамкорликда орқа мия ва умуртқа поғонасининг турли патологиялари билан оғриган 20 нафардан ортиқ беморлар чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилиб, уларнинг бир қисмида ноёб ва мураккаб операциялар бажарилди. Умуртқа поғонасига каминвазив усулда, терини кесмасдан туриб транспедикуляр мосламаси ўрнатилди.

Россиялик мутахассислар эса бемор болаларда учрайдиган ортопедик хасталикларни жарроҳлик йўли билан даволаш бўйича ўз маҳорат ва тажрибалари билан ўртоқлашди. Қолаверса, соғломлаштириш акцияси доирасидаги бундай юқори технология амалиётларга Туркия, Бангладеш, Жанубий Кореядан ҳам малакали жарроҳлар ҳисса қўшиши кутилмоқда.

Намозжон ТОЛИПОВ,
журналист.



агностика ва даволаш усуллари йўлга қўйилди. Роппа-роса 90 йиллик фаолият тажрибасига эга муассасада йилига 3000 га яқин эндопротезлаш, 3500 дан зиёд артроскопик операциялар ўтказилмоқда. Бундан ташқари, умуртқа жарроҳлиги, шу жумладан, транспедикуляр стабилизация, вертебропластика сингари мураккаб муолажа турлари амалиётга татбиқ этилди. Суяк синишларини даволашда блокловчи остеосинтез деб атаувчи замонавий операция усу-

даги етакчи тиббиёт муассасаси ҳисобланади. Бу ерда рентгеноденситометрия, доплерография, компьютер подометрия сингари замонавий ташхиллаш усуллари амалда. Қолаверса, бу сингари юқори технологик амалиётлар марказнинг худудий филиалларида ҳам ўзлаштирилмоқда. Эндиликда мураккаб амалиётларни туманлар даражасига тушириш чоралари кўриляпти. Мухими, бундай саъй-ҳаракатлар натижасида юртдошларимизнинг таянч-ҳаракат тизими хасталиклари муо-

томонидан ҳам эътироф этилди. Кун тартибидан таянч-ҳаракат аъзолари жароҳатлари ва касалликларининг олдини олиш, ташхиллаш ҳамда даволаш, остеосинтез муолажасининг энг янги усуллари, йирик бўғимлар артроскопияси ва эндопротезлаш операциялари, умуртқа жарроҳлиги, болалар травматологияси ва ортопедияси масалалари ҳамда остеопороз муаммоларига бағишланган қатор маърузалар иштирокчиларга тақдим этилди. Анжуман доирасида болаларда тугма маймоқликни

дарслари ўтказилди.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ўтказилаётган саломатлик акцияси доирасида Тошкент вилоятида истикомат қилаётган мураккаб жарроҳлик амалиётларига муҳтож, бироқ даволанишга имкони йўқ 500 нафардан зиёд беморларда давлат ҳисобидан юқори технологик операциялар бажарилди. Эътиборли жиҳати, бундай ноёб амалиётларга дунёнинг қатор ривожланган мамлакатларидан ҳам тиббиёт олимлари ва етакчи мутахассислар жалб қилиняпти.

ЖЕНСКОЕ ЗДОРОВЬЕ

Среди многочисленных причин, ведущих к возникновению мастопатии и рака молочной железы, наиболее распространенными являются нарушение детородной функции. Однако, если общая причинная зависимость мастопатии от этих нарушений бесспорна, то в оценке роли того или иного конкретного фактора в пусковом механизме местно-тканевых изменений единого мнения нет.

Детородная функция женщины теснейшим образом связана со сложнейшими ритмичными процессами в нервной системе и эндокринной системе, объединяемых по принципу обратной связи гипоталамусом. Физиологические изменения в молочных железах находятся в строгой зависимости от этих процессов. Не удивительно поэтому, какое значение в возникновении и развитии мастопатии придается детородной функции. Обнаружена связь повышенного риска заболевания с ранним наступлением менструаций и поздним их прекращением. Этот риск, по мнению авторов, ещё больше возрастает при отсутствии родов и большом числе искусственных абортов. Проведенные нами исследования показали, что прежде всего следует обратить внимание на большой процент пациенток с задержкой развития, а это 18,7% из возрастной группы до 45 лет. Наблюдается выраженная обратная связь риска заболеванием рака молочной железы с возрастом наступления менструаций: при первой менструации в 15 лет и позже, вероятность заболеть раком молочной железы на 23% ниже, чем при первой менструации в возрасте 12 лет. Среди обследованных нами женщин с мастопатией у 13,8% отмечалось раннее и у 28,9% позднее половое созревание. К причинам позднего полового созревания у многих таких



больных можно отнести плохие материнские условия в детстве.

Результаты наших исследований свидетельствуют о раннем становлении менструальной функции (10-12 лет) у 7,9% больных раком молочной железы и только у 0,3% здоровых женщин. Соответственно позднее начало менструаций (16-18 лет) выявлено у 28% больных и у 10,2% здоровых женщин. Таким образом, при раннем и позднем начале полового созревания риск заболевания раком молочной железы одинаково повышен. Установлено, что риск заболевания раком молочной железы при прочих равных условиях уменьшается с увеличением числа родов. С увеличением возраста женщины в момент первых

родов увеличивается степень риска. Для нерожавших женщин риск заболевания был более высоким, чем для родивших впервые до 30 лет, но более низким, чем для рожавших впервые после 30 лет. Возраст в котором произошли первые роды, имел большую значимость для заболевания раком молочной железы, чем число родов. Крат-

(при учете рождения нескольких детей) более 109 месяцев риск рака молочной железы составил 0,3% по отношению к не кормившим грудью.

Необходимо остановиться на курении во время беременности, наносящим несомненный вред будущему потомству. Курение беременной женщины безмерно жестоко по отношению к её будущему ребенку. Она разрушает здоровье сразу и себе, и малышу. Курение во время беременности вдвое увеличивает риск врожденных уродств (заячья губа, волчья пасть), так как некоторые компоненты табачного дыма вызывают уродства и пороки. А из-за окиси углерода в крови плод постоянно находится в условиях недостатка кислорода и поэтому плохо развивается. Кроме того, он отравляется никотином. Новорожденные от матерей курильщиц имеют меньшую массу тела (в среднем на 200г), чем от некурящих матерей. У таких детей замедлено умственное, физическое и психическое развитие в последующие 7-10 лет, выше заболеваемость (в первые 5 лет жизни) по сравнению с детьми, родившимися от некурящих матерей.

ковременность периода кормления ребенка грудью (до 5 месяцев) является одним из факторов риска возникновения рака молочной железы. У женщин с общей длительностью этого периода

В конце хотелось бы вспомнить слова академика Е.Левисона «Материнство, материнский альтруизм – эволюционно значимый признак существования моральных норм, коренящийся в биологических обязанностях, накладываемых на женщину. Любовь матери – бескорыстие и самоотдача, она любит свое дитя не за какие-то конкретные качества, а просто за то, что оно ею рождено.

Лола АЛИМХОДЖАЕВА,
доктор медицинских наук, руководитель
отделения Онкомамологии РСНПМЦО и Р.

КАРДИОЛОГИЯ

ЮРАК-ҚОН ТОМИР КАСАЛЛИКЛАРИДАН ЎЛИМ КЎРСАТКИЧИ 56,2 ФОИЗГА КАМАЙДИ

Бугун дунёда бўлгани каби юртимиз аҳолиси орасида юрак-қон томир касалликларига чалиниш ҳолатлари кўп учрайди. Айниқса, артериал гипертония, юрак ишемик касаллиги, юрак аритмиялари, сурункали юрак етишмовчилиги, туғма юрак нуқсонлари энг кўп қайд этилаётган хасталиклар сирасига кирди.

Мамлакатимизда тиббиёт, хусусан, кардиология соҳасига қаратилаётган эътибор, унинг моддий-техник базасини ривожлантириш ва ҳудудларда йўлга қўйилган юқори технологик жарроҳлик амалиётлари натижасида кейинги йилларда бу борада бир қатор ижобий натижаларга эришилмоқда. Хусусан, ўтган 2022 йилнинг 9 ойи давомида юрак-қон томир касалликларидан ўлим кўрсаткичи 56,2 фоизга камайди.

Албатта бундай натижага эришишда Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказида жорий этилаётган илгор даволаш ва энг сўнгги диагностика усулларининг аҳамияти катта.

Шифохонамиз юртимиздаги энг йирик тиббиёт муассасаларидан бири ҳисобланади. Бу ерда илмий салоҳият билан амалий тиббиёт интеграция қилинган бўлиб, беморлар белгиланган стан-

дартлар ҳамда клиник протоколлар бўйича сифатли даволанади.

Бугунги кунда муассасамизда 5 та — артериал гипертензия, юрак ишемик касалликлари, юрак аритмиялари, юрак етишмовчилиги ва некоронароген миокард касалликлари ҳамда функционал текширувлар ва клиник биохимия илмий лабораториялари ташкил этилган.

Уларда юрак-қон томир хасталикларига чалинган беморларни ўз вақтида ташхислаш ва даволашни оптималлаштириш, ҳаёт учун хавфли юрак касалликларини баргараф этиш бўйича илмий излашлар олиб борилади.

Марказнинг функционал диагностика, клиник биохимия

лабораториялари ҳамда клиник бўлимлари энг замонавий юқори технологик тиббий ускуналар билан жиҳозланган. Айни пайтда шифохонада юракнинг мураккаб аритмияларида ЭФИ/РЧА, АКШ операциясини миниэндошув орқали амалга ошириш, бир вақтнинг ўзида бир неча жарроҳлик амалиётларини бажарувчи гибрид, кўшма операциялар, туғма юрак нуқсонларини инвазив усулда баргараф этиш йўлга қўйилган.

Бундан ташқари, юрак аритмияларида ва сурункали юрак етишмовчилигида дори воситаларини саралаш ва дозасини титрлаш орқали бе-



морларни даволаш ҳам марказ фаолиятининг ўзига хос йўналишларидан.

Шу боис бугун кардиологик хасталикларга чалинган кўплаб юртдошларимиз ва қўшни мамлакатлар фуқаролари ушбу муассаса ва унинг худудий филиалларида даволаниб, ўз саломатликларини тикламоқда.

Таъкидлаш керакки, жорий йилнинг 9 ойи давомида марказнинг маслаҳат поликлиникасига жами 24 минг 700 нафар бемор мурожаат қилиб, уларга мутахассислар томонидан малакали тиббий маслаҳатлар берилди. Шунингдек, 2022 йилнинг ўтган даври мобайнида 6 минг 325 нафар бемор муассасада стационар шароитда даволанди.

Анвар КАРИМОВ,
Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази директори ўринбосари.

АТТЕСТАЦИЯ

ТИББИЁТ ВА ФАРМАЦЕВТИКА ХОДИМЛАРИГА МАЛАКА ТОИФАЛАРИ БЕРИШ УЧУН ИМТИХОНЛАР ЎТКАЗИЛАДИ

Маълумки, тиббиёт ва фармацевтика ходимларини аттестациядан ўтказиш ва уларга малака тоифаларини бериш Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан амалга оширилади.



Мазкур жараён Соғлиқни сақлаш вазирининг 2014 йил 18 декабрдаги 21-сон буйруғи (Адлия вазирлигида 2649-сон билан рўйхатдан ўтган), билан тасдиқланган. Тиббиёт ва фармацевтика ходимларини аттестациядан ўтказиш ва уларга малака тоифалари бериш тартиби тўғрисидаги низом асосида ташкил этилади.

Унга қўра, тиббиёт ва фармацевтика ходимига малака тоифаси мутахассислиги бўйича берилди. Бунда, иккинчи тоифа учун 3 йил, биринчи тоифа учун иккинчи малака тоифаси ва 5 йил, олий тоифа учун биринчи малака тоифаси ва 7 йил иш стажи талаб этилади.

Миллий палата ва унинг ҳудудий бўлинмаларига малака тоифаси олиш учун мурожаат қилган тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг имтихон хоналари видеокамералар билан жиҳозланган бўлиб, синов жараёнлари Соғлиқни сақлаш вазирлигининг расмий веб-сайтида онлайн трансляция қилинади.

Малака тоифаси берилганлиги тўғрисидаги буйруқлар ва у асосида расмийлаштирилган QR кодли электрон сертификатлар Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Миллий палатанинг расмий веб-сайтларига жойлаштириб борилди.

Жорий йил бўлиб ўтадиган имтихонлар ноябрь-декабрь ойларида Миллий палата раисининг 2022 йил 9 сентябрдаги тегишли буйруғи билан тасдиқланган жадвал асосида ўтказилади.

Қуйида ихтисослаштирилган аттестация комиссияларининг 2022 йил ноябр-декабр ойларидаги йиғилишлар жадвали тақдим этилмоқда.

Миллий палата ҳузуридаги врачлар ва фармацевтларга малака тоифаси бериш бўйича ихтисослаштирилган аттестация комиссияларининг 2022 йил ноябр - декабр ойларидаги йиғилиши муддатлари

ЖАДВАЛИ

№	Комиссиялар номи	Аттестация ўтказиладиган сана	
		4 ноябр	2 декабр
1.	Оилавий шифокорлик	18 ноябр	16 декабр
2.	Шошилинч тиббий ёрдам	11 ноябр	9 декабр
		25 ноябр	23 декабр
3.	Терапия, аллергология ва клиник иммунология, тиббий-меҳнат экспертизаси, гастроэнтерология, диетология, нефрология гемодиализ билан, касб касалликлари, реабилитология (даволаш физкультураси, курортология, физиотерапия), даволаш физкультураси, спорт тиббиёти, клиник фармакология, ижтимоий тиббиёт	4 ноябр	2 декабр
4.	Кардиология, интервенцион кардиология, ревматология	11 ноябр	9 декабр
5.	Эндокринология, болалар эндокринологияси, хирургик эндокринология, гематология ва трансфузиология	25 ноябр	23 декабр
6.	Умумий педиатрия, педиатрия, неонатология, болалар кардиология ва ревматологияси, болалар нефрологияси гемодиализ билан, ўсмир ва чакирув ёшидагилар касалликларининг шифокорлик экспертизаси, болалар аллергология ва иммунологияси, болалик даври иммунопрофилактикаси	11 ноябр	9 декабр
7.	Акушерлик ва гинекология, болалар ва ўсмир қизлар гинекологияси, репродуктология	4 ноябр	2 декабр
8.	Хирургия, кардиохирургия, пластик хирургия, торакал хирургия, урология, андрология ва сексология, қон томирлар хирургияси, эндоскопия	18 ноябр	16 декабр
9.	Травматология ва ортопедия, комбустиология, нейрохирургия	18 ноябр	16 декабр
10.	Анестезиология ва реаниматология, болалар анестезиологияси ва реаниматологияси, экстракорпорал детоксикация, токсикология	18 ноябр	16 декабр
11.	Тиббий радиология, интервенцион радиология, ядровий тиббиёт	25 ноябр	23 декабр
12.	Юқумли касалликлар, болалар юқумли касалликлари, вирусология	18 ноябр	16 декабр
13.	Гигиена ва эпидемиология, гигиена, эпидемиология, радиацион гигиена, бактериология, дезинфектология, паразитология, тиббий энтомология, санитар-гигиеник лаборатория текшируви, болалар ва ўсмирлар гигиенаси, нутрициология, меҳнат гигиенаси, коммунал гигиена, атроф муҳит ва инсон саломатлиги, тиббий экология, паразитар касалликлар лаборатория диагностикаси, бактериологик лаборатория диагностикаси, вирусологик лаборатория диагностикаси, ўта ҳавфли юқумли касалликлар лаборатория диагностикаси, радиацион гигиеник лаборатория диагностикаси, токсикологик лаборатория диагностикаси	4 ноябр	2 декабр
14.	Умумий стоматология, терапевтик стоматология, ортопедик стоматология, хирургик стоматология (оғиз бўшлиғи), юз-жағ хирургияси, болалар стоматологияси, болалар юз-жағ хирургияси, болалар терапевтик стоматологияси, болалар хирургик стоматологияси, ортодонтия, дентал имплантология, пародонтология	4 ноябр	2 декабр
15.	Неврология, болалар неврологияси, психиатрия, болалар ва ўсмирлар психиатрияси, суд-психиатрия экспертизаси, суицидология, тиббий психотерапия, тиббий психология, наркология, клиник психология, суд-психологик экспертиза	18 ноябр	16 декабр
16.	Соғлиқни сақлашни бошқариш ва жамоат соғлиғини сақлаш, валеология	25 ноябр	23 декабр
17.	Болалар хирургияси, болалар кардиохирургияси, неонатал хирургия, офтальмология ва болалар офтальмологияси	11 ноябр	9 декабр
18.	Пульмонология, фтизиатрия, фтизиопедиатрия (болалар фтизиатрияси), фтизиохирургия, фтизиоурология, суяк тизими фтизиатрияси, фтизиоофтальмология, фтизиогинекология	4 ноябр	2 декабр
19.	Дерматовенерология ва тиббий косметология	18 ноябр	16 декабр
20.	Тиббий биологик иш, лаборатория иши, клиник лаборатория диагностикаси, тиббий генетика	11 ноябр	9 декабр
21.	Умумий онкология, онкохирургия, кимё терапияси, нур терапияси, болалар онкохирургияси, онкоурология, онкоофтальмология, онкогинекология, остеоонкология, оториноларингология, сурдология, фоноатрия	25 ноябр	23 декабр

22.	Патологик анатомия, суд-тиббий экспертиза, морфология	11 ноябр	9 декабр
23.	Фармация	25 ноябр	23 декабр

Изоҳ: Мазкур жадвал Миллий палата раисининг 2022 йил 9 сентябрдаги “Тиббиёт ва фармацевтика ходимларига малака тоифаси бериш бўйича ихтисослаштирилган аттестация комиссияларининг 2022 йилнинг сентябр-декабр ойларидаги йиғилишларини ўтказиш жадвалини тасдиқлаш ҳақида”ги 55-сонли буйруғи билан тасдиқланган.

Миллий палата ҳузуридаги “Олий ҳамширалик иши” мутахассислигига эга бўлган ҳамширалар, ўрта тиббиёт ва ўрта фармацевтика ходимларига малака тоифасини бериш бўйича ихтисослаштирилган аттестация комиссияларининг 2022 йил ноябр - декабр ойларидаги йиғилиши муддатлари

ЖАДВАЛИ

№	Комиссиялар номи	Аттестация ўтказиладиган сана	
		2, 4 ноябр	2 декабр
1	Палата ҳузуридаги “Олий ҳамширалик иши” мутахассислигига эга бўлган ҳамширалар, ўрта тиббиёт ва ўрта фармацевтика ходимларига малака тоифасини бериш бўйича ихтисослаштирилган аттестация комиссияси таркиби (Тошкент шаҳридаги Республика тиббиёт муассасалари учун)	9 ноябр	7 декабр
		16, 18 ноябр	14, 16 декабр
		23, 25, 30 ноябр	21, 23 декабр
2	Палата ҳузуридаги “Олий ҳамширалик иши” мутахассислигига эга бўлган ҳамширалар, ўрта тиббиёт ва ўрта фармацевтика ходимларига малака тоифасини бериш бўйича ихтисослаштирилган аттестация комиссияси таркиби (Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси тасарруфидоги тиббиёт муассасалари учун)	1, 3 ноябр	1 декабр
		10 ноябр	6 декабр
		15, 17 ноябр	13, 15 декабр
		22, 24, 29 ноябр	20, 22 декабр

Изоҳ: Мазкур жадвал Миллий палата раисининг 2022 йил 9 сентябрдаги “Тиббиёт ва фармацевтика ходимларига малака тоифаси бериш бўйича ихтисослаштирилган аттестация комиссияларининг 2022 йилнинг сентябр-декабр ойларидаги йиғилишларини ўтказиш жадвалини тасдиқлаш ҳақида”ги 55-сонли буйруғи билан тасдиқланган.

Миллий палатанинг ҳудудий бўлинмалари ҳузуридаги тиббиёт ва фармацевтика ходимларига малака тоифасини бериш бўйича ихтисослаштирилган аттестация комиссияларининг 2022 йил ноябр - декабр ойларидаги йиғилиши муддатлари

ЖАДВАЛИ

№	Комиссиялар номи	Аттестация ўтказиладиган сана	
		23 ноябр	21 декабр
1	Хирургия йўналишидаги врачларга малака тоифаси бериш бўйича ихтисослаштирилган аттестация комиссиялари	23 ноябр	21 декабр
2	Терапевтик, педиатрик ва фармацевтик йўналишидаги врач ва фармацевтларга малака тоифаси бериш бўйича ихтисослаштирилган аттестация комиссиялари	24 ноябр	22 декабр
3	Санитария-эпидемиология, тиббий радиология ва лаборатория йўналишидаги врачларга малака тоифаси бериш бўйича ихтисослаштирилган аттестация комиссиялари	25 ноябр	23 декабр
4	“Олий ҳамширалик иши” мутахассислигига эга бўлган ҳамширалар, ўрта тиббиёт ва ўрта фармацевтика ходимларига малака тоифаси бериш бўйича ихтисослаштирилган аттестация комиссиялари	1, 2, 3, 4, 8, 9, 10, 11, 15, 16, 17, 18 - ноябр; 1, 2, 6, 7, 13, 14, 15, 16 - декабр кунлари.	

Изоҳ: Мазкур жадвал Миллий палата раисининг 2022 йил 9 сентябрдаги “Тиббиёт ва фармацевтика ходимларига малака тоифаси бериш бўйича ихтисослаштирилган аттестация комиссияларининг 2022 йилнинг сентябр-декабр ойларидаги йиғилишларини ўтказиш жадвалини тасдиқлаш ҳақида”ги 55-сонли буйруғи билан тасдиқланган.

ЎРВИ:

БОЛАЛАРГА ИСИТМА ТУШИРУВЧИ ДОРИЛАРНИ ҚАЧОН БЕРИШ МУМКИН?

Мана, совуқ кунлар бошланмоқда. Мавсумий хасталиклар янада авж оладиган палла ҳозир. Буёғига болалар ўртасида ўткир респиратор вирусли касалликлар(ЎРВИ)га чалиниш ҳолатлари кўпайиши мумкин.

Шундай экан, эҳти- шарт. Қолаверса, бемор бо- лалар муолажаси, парва- риши ҳам ўта ма- сбулиятли жа- раён ҳисобла- нади. Хўш, бундай ва- зиятда ота-она- лар қан- дай йўл тути- шлари керак?

– Иситма, бурун битиши ва оқиши, акси- риш ЎРВИнинг илк аломатларидир. Одатда, бу ҳолат икки кун давом этади. Учинчи кундан овоз бўғилиши, йўтал, мушаклар ва бўғимларда оғриқлар пайдо бўлиши мумкин.

– Касаллик пайтида иштаха пасаяди, ҳарорат ошганда эса қайт қилиш кузатилиши эҳтимоли бор. Бундай вази- ятда уйда бемор болаларни алоҳида хонага ётқизиш ва хо-



олажа усулидир.

– Лекин баъзи ота-оналар фарзандларида шамоллаш- нинг илк белгилари, масалан, бурун оқиши, енгил йўтал, ҳарорат кўтарилиши кузатилса, зудлик билан “Тез ёрдам”га мурожаат қилишади.

– Ваҳоланки, болаларда юқори нафас йўлларида яллиғланиши кузатилса, уй шароитида ҳам даволанса бўлади. Бироқ бу ҳолатга “вақт ўтиб соғайиб кетади” дея бефарқ муносабатда бўл- маслик ҳам керак.

– Бола тана ҳарорати 38,5 даражадан ошса, овқат емай қўйса, кучли ҳансираш куза- тилса, нафас қисиши аломат- лари пайдо бўлса, тинмай ёки кўп ухласа, дарҳол шифокорга мурожаат қилиш зарур.

– Аслида, тана ҳарорати 38,5 даражагача кўтарилши организмнинг касалликка қарши курашаётганидан дало- лат беради. Яъни, организмга инфекция тушганида иситма кўтарилши нормал ҳолатдир.

– Агар бир ёшгача бўлган болаларда тана ҳарорати 38,0, бир ёшдан катта ўғил-қиз- ларда 38,5 даражадан ошса, уларга парацетамол ёки ибу- профен бериш тавсия этилади.

Бу дорини 3 кун қўллаш мумкин. Агар шу вақт ичида бо- ланинг умумий аҳволида ижобий ўзгариш бўлмаса, дарҳол онлавий шифокорга мурожаат қилиш зарур.

ЎРВИГА ЧАЛИНГАН БОЛАЛАРГА ҚАТЪИЙ ПАРҲЕЗ ТАВСИЯ ЭТИЛМАЙДИ

Бемор фақат тиббий муолажа- лар билангина соғайиши муш- кул. Чунки дори-дармонлар хаста- лик ўчоғини баргараф этишга кўмаклашса, соғлом овқатла- ниш ва тўғри парвариш органи- змининг тўлақонли тикланишини таъминлайди.

Шу сабабли ўткир респиратор ви- русли инфекцияларга чалинган бо- лаларни уй шароитида даволаш жараёнида шифокорларнинг қўйидаги тавсияларига қатъий риоя қилиш талаб этилади.

Амбулатор муолажа олаётган бемор ўғил-қизларнинг тезроқ тузалишида ота- оналарнинг роли ниҳоятда катта. Негаки, бундай вазиятда уларни алоҳида хонада тўғри парвариш, гигиена қоидаларига амал қилиш ва энг муҳими, соғлом овқатлан- тириш керак. Хусусан, олти ойгача бўлган чақалоқларни озиклантиришида она сутининг ўрнини босадиган маҳсулот йўқ. Айни сабаб- дан бундай гўдакларни беморлик чоғида ҳам истисносиз эмиши тавсия этилади. Олти ойдан ошган болалар таомнамасидан эса босқичма-босқич қўшимча овқатлар ўрин олиши, табиий. Шундай экан, уларни одат- дагидек озиклантиришида давом этиши керак.

Хўш, бу нега муҳим? Гап шундаки, бемор ўғил-қизларга дармондориларга бой егули-

лар берилса, уларнинг касаллик билан кура- шиши қобилияти ошиб, тезроқ оёққа туради. Яъни қуввати тиклана боргач, организмнинг ўзи хасталикни сиқиб чиқаради. Тўғри, ша- моллаган кичкинтойларда иштаха сусаяди. Таом бериш жараёнида инжиқлик қилади. Бироқ бундай пайтда уларни овқатланишга ундаш керак. Ёшига мос, аввал ҳам еб ўрган- ган ҳамда ўзи севиб истеъмол қиладиган, юм- шоқ тиширилган, иштаха очувчи маҳсулот- лар берилиши мақсадга мувофиқ. Шифокор- лар болани касал пайтда тез-тез, кам-кам овқатлантиришини тавсия қилади. Соғай- гач эса одатдагидан ҳам кўпроқ таомлар бе- риши мумкин. Бу фарзандларимизнинг қувва- тини тиклаши учун муҳим. Қолаверса, касал- лик чоғида болага кўп миқдорда суюқлик ичи- риши лозим. Қайнатилган сув ёки уйда тайёр- ланган мева шарбатлари томоқдаги йўтал ва оғриқни юмшатиб, танадан вирусларнинг тезроқ чиқиб кетишини таъминлайди. Лекин шуни ҳам унутмаслик керакки, бемор болани қатъий парҳезга ўтказиш мумкин эмас. Шу билан бирга, янгилик яратиш ҳам тўғри бўл- майди. Масалан, болага аввал истеъмол қил- маган таомлар ва маҳсулотларни вақтинча бермаган маъқул.

Динара ДЎСТМУҲАММЕДОВА,
Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази бўлим бошлиғи, тиббиёт фанлари номзоди.

МИННАТДОРЧИЛИК

ДИЛ ТАШАККУРИМ СИЗЛАРГА

Кейинги йилларда мамлатимиз соғлиқни сақлаш тизимида кўплаб самарали ишлар амалга ошириб келинмоқда. Айниқса, Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан шифо масканларида оламушумул ўзгаришлар бўлаётганлигига гувоҳ бўлмоқдамиз.



Саломатлигимни тиклаш мақсадида Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам клиник шифохонасининг терапия бўли- мида даволаниб чиқдим. Ушбу шифо масканида даволанувчи- лар учун яратилган шароит ва имкониятлардан, шунингдек, тиббиёт ходимларининг кўрсат- ган сифатли даво муолажалари ҳамда хушмуомалаликларидан ниҳоятда мамнун бўлдим. Ай- никса, клиник шифохонанинг бош шифокори Содикжон Али-

Ҳайдарова, Дилбар Қосимова, Гулшан Худайбергенова ва Шах- ноза Мусаеваларнинг меҳрибон- лиги ва муолажаларни сифатли ўтказишлари касалликдан тезда фориғ бўлишимга ёрдам берди десам хато бўлмайди. Бунинг баробарида кичик тиббиёт хо- димларидан Лола Солиева, Гул- чехра Умарова, Муборак Муродова, Гулчехра Абдукаримова, Назира Атаева, Эльвира Немато- валар ҳам ўз ишларининг мохир усталари экан. Қўли ширин



мовнинг ўз касбига бўлган садоқати ҳамда раҳбарлик фао- лияти жамоада соғлом муҳитни ташкил этган десам хато бўл- майди. Терапия бўлимидаги ши- фокору, ҳамшираларнинг му- локот маданияти ҳамда касбла- рини астойдил ардоқлаб фао- лият юритишлари, шунингдек, у ердаги тозалик ва озодлик мени бефарқ қолдирмади. Бўлим мудир Фотима Қосимжоновна ҳам ўз касбининг мохир устаси экан. Ташхис билан танишиб чиқиб, дарҳол даво муолажа- ларини бошлаб юборди. Сало- матлигим аста-секинлик билан яхши томонга ўзгара бошлади. Тажрибали шифокорлардан Ба- хия Абдурашидова, ёш мута- хассислардан Сирож Муродов, Хасанхон Махмудоновичлар бор билим ва малакаларини ишга солган ҳолда беморларга ўз вақтида даво муолажаларини олиб бордилар. Айниқса, катта ҳамшира Рухсора Рахимова, қўли енгил ҳамширалар Лобар- хон, Шоҳида Азимова, Юлдуз

ошпазлардан, Гулбахор Якуб- жанова ва Саида Исматовалар ҳам ниҳоятда самимий инсонлар бўлиб, ширин таомларни ҳада этишди. Даволовчи шифокорим Фотимахон янада саломат- лигимни тиклаш мақсадида фи- зиотерапия бўлимига йўлланма берди. Физиотерапия бўлим му- дири Дилфуза Акромова ташхи- сим танишгач даво муолажала- рини тавсия қилди. Укаловчи ҳамшира Шахзода Илҳомова ва жисмоний тарбия билан шуғул- ланувчи мутахассис Муфазал Мирходжаева ҳамда УЗТ аппа- ратида Шоҳида Исмаиловалар кўрсатган тиббий хизматлардан мамнун бўлдим. Шифо маскани- нинг тажрибали жарроҳи Толиб Уразов ва малакали ҳамшира Г. Мухамедовалар давлатимиз- нинг юксак мукофотларига сазо- вор бўлишгани ҳам диққатга мо- ликдир. Бир сўз билан айтганда ушбу клиник шифохонанинг барча тиббиёт ходимлари меҳна- тидан хурсанд бўлиб қайтдим.

Бош шифокор Содикжон Алимов ва унинг аҳил жамоасига чексиз миннатдорлигимни изхор этаман. Уларни яқинлашиб келаётган тиббиёт ходимлари куни билан самимий қутлайман. Ана шундай қалби пок шифокору, ҳамшираларимиз халқимиз бахтига доимо омон бўлишсин.

Феруза ИБРАГИМОВА,
Хоразм вилояти.

ЮРТИМИЗ ШИФО МАСКАНЛАРИДА

ТИЛ-БУ ШИФО КАЛИТИ

Юртбошимиз Олий Мажлисга қилган мурожаатномаларида ҳар йилгидек бу йил ҳам халқимиз саломатлигида алоҳида эътибор берилишини таъкидлаб ўтдилар. Мурожаат Бўстонлик туманидаги кексалар ва ногиронлар, уруш ва меҳнат фахрийлари учун “Товоқсой” сихатгоҳи ходимлари томонидан атрофлича ўрганилиб, мурожаат ижросини ҳаётга тадбиқ этиш учун ўзларининг ишлаб чиқариш, ҳаётга тадбиқ этиш режаларини белгилаб олишди.

Режалаштирилган тадбирларни амалга ошириш учун сихатгоҳда фаолият олиб боришаётган ҳар бир ходимлар ҳам аниқ иш режаларини белгилаб олишган. Сихатгоҳимиз 450 нафар ўринга мўлжалланган бўлиб, ҳаммаша дам олувчилар билан гавжум, - дейди сихатгоҳ бош шифокорининг даволаш ишлари бўйича ўринбосари Махсума Гуломова, - сихатгоҳимиз кейинги 2 йил ичида тўлиқ қайта жиҳозланди, замонавий тиббиёт асбоб-ускуналар ўрнатилди. Тиббиёт хизмат тури 16 тадан 20 тагача кўпайтирилди. Хизмат кўрсатувчиларнинг ва врачларнинг малакалари янада оширилди. Ҳар бир тиббиёт ва техник ходимларимиз сихатгоҳларимизга ўз саломатликларини тиклаш ва дам олиш учун келган инсонларга биздан рози бўлиб чиқиб кетишлари учун бор билимимиз, маҳоратимизни, муомаламизни ишга солаёلمиз. Махсумaxon Бўстонлик туманининг “Искандар” кўрғонидаги Гуломовлар оиласи дейилса ҳамма бирдек ҳавас қиладиган оилада дунёга келди. У отаси Абдусаттор ака ва онаси Карима аялар тарбиясида, оила фарзандлари Ҳайридин, Фахриддин, Муҳиддин ва Мастуралар даврасида вояга етди. У кўрғондаги 4-умумий ўрта таълим мактабида ўқиб юрган пайтидан тиббиётчи бўлиш орзуси билан яшади, шунинг учун ўрта мактабни баҳолаш билан тугатиб, 1986 йилда Тошкент Давлат тиббиёт педиатрия институтига ҳужжатларини топшириб, кириш имтиҳонларидан муваффақиятли ўтиб талабалар сафига қабул қилинди. Махсумaxon олийгоҳни тугатиб, 1992 йилда Чирчиқ шаҳар болалар шифохонасига ишга қабул қилиниб, ўзининг илк меҳнат фаолиятини бошлади. 1993-1994 йиллари Чирчиқ шаҳридаги биринчи болалар поликлиникасида меҳнат фаолиятини давом эттирди. Махсумaxonнинг болалар касалликларини аниқлашдаги моҳирлиги, даволаш малакаси Чирчиқ шаҳридаги кўпчилик ота-оанларга манзур бўла бошлади. “Яхши гапнинг қаноти бор” деганларидек, унинг билимдонлиги ва касб маҳорати “Товоқсой” сихатгоҳидигиларга ҳам етиб борди. Уни 1995 йили сихатгоҳга ишга таклиф қилишди. Махсумaxon

ҳеч иккиланмай рози бўлди, чунки янги иш жойи яшаш манзилига яқин эди. Махсума Сатторовна, болалар шифокорлигидан катталар шифокори бўлиб фаолият олиб боришда қийинчиликларга дуч келмадингизми? Болалар шифокори бўлиб ишлаш жуда мураккаб, чунки қайси бир аъзоси оғриётганлигини сизга айта олмайди. Унинг касаллигига аниқ ташхис қуйиш учун шифокорнинг кўзи синчков ва тили ширин бўлиши керак. Пайпаслаб кўриш маҳорати ҳам юқори бўлиши, фанендоскоп орқали эшитиш маҳорати етарли бўлиши талаб этилади. Катталарга келсак касалликка аниқ ташхис қуйиш бироз осонроқ, лекин бу ерда ҳам врач маҳорати, синчковлиги касаллик тарихи ва кўриниши катта аҳамиятга эга. Дардига даво истаб келган бемор врачдан нажот кутади. Буни қабул қилаётган шифокор унинг қалбига ўзининг ширин муомалалари билан тезда тузалиб кетишига умид учқунини ёқа билиши керак.

Шу пайт остонада бир киз пайдо бўлди:

Ассалому алейкум, - деб ўзини таништирди, бу Махсуманинг яккаю-ягона кизи Зиёдахон эди. Ундан нега онасининг касбини танламаганлигини сўраганимда: Юртбошимиз қайта-қайта таъкидлаб ўтаётганидек келажакни ўқимишли ёшлар белгилайди. Ўқимишли ёшлар мактабда камолатга етади. Мен келажак ёшларини мактабда тарбиялашга аҳд қилдим. Ҳар бир ёшга фан асосларини тўлиқ сингдиришга ҳаракат қиламан. Ҳақиқий келажак ёшларини тарбиялаб вояга етказиш учун устозлик касбини танладим. Биз Зиёда Турғунованинг тўғри йўлни танлаганига қойил қолиб, унга ўқишларида омадлар тиладик. Биз “Товоқсой” сихатгоҳида шу кунларда халқ саломатлиги йўлида астойдил меҳнат қилаётган тиббиёт ва техник ходимлар фаолияти билан яқиндан танишиш ҳаракатини қилдик. Сихатгоҳда узоқ йиллардан буён самарали фаолият олиб бораётган Усмон Қодиров, Назокат Ҳасанбоева, Шоира Хол

Деганларига яна бир ишонч ҳосил қилдим. Болаларим учун сихатгоҳдаги китоб ярмаркасида 10 дона китобни совға учун сотиб олдим. Ҳа, сиз ҳам бу сихатгоҳга келиб ёзганларимизга ишонч ҳосил қилинг.

матова, гулчехра Сайфуллаева, Саъдулла Адамов, Худоёр Юлдашев, Муроджон Рихсиевлар каби врачлар Лобар Ипторова, Гўзал кушатова, Умида Курбанова, Махфуза Туйчибаева, Элвина Баҳодилова, Дилбар Джанисбекова, Сайёра Баҳодилова, Ҳилола Ҳакимова, Наталья Буриева, Моҳигул Сафарова, Муқаддас Буриевалар касб маҳоратли ҳамширалар дам олувчилар хурматини қозониб келишмоқда. Имомали Раҳмонов бошчилигидаги ошпазлар гуруҳининг мазали ва сифатли тайёрланган таомлари дам олувчиларга манзур бўлмоқда. Турғунпулат Иномов бошчилигидаги хўжалик ходимлари ободонлаштириш ишларини узлуксиз амалга ошириб келмоқдалар. Нишангул Анашева, Маъмура Соттиева, Гулзира Джумадиловалар каби техник ходимлар озодаликка катта аҳамият бериб, отахон ва онахонларнинг дуоларини олиб келишмоқда. Сихатгоҳнинг даволаш бўлими фито баридан чиқиб келаятган дам олувчилар, тошкентлик Абдусамат Исоқов, самарқандлик Азамат Товбаев, наманганлик Иноятхон Ғозиева, хоразмлик зулфияхон Рўзиматова, нукуслик Фароғат Полвониязов, сурхондарёлик эр-хотин Қурбоновларни учратдим. Менинг келганимга 5 кун бўлди ҳозиргина ўз касбининг моҳир устаси Дилбар Джанисбековадан ўқалаш муолажасини олиб чиқдим, даволоччи врачим Гулчехра Сайфуллаеванинг кўрсатмаси билан паст частотали ток аппаратидан даво олиш натижасида оёқ, бел ва елка оғриқларим енгиллаша бошлади, - дейди Иноятхон Ғозиева. Мен ўз касбининг билимдони, 40 йиллик ҳаётим тажрибага эга Усмон ака Қодиров кўрсатмалари билан ҳамма дардларимдан юз фоиз фориг бўлдим, - дейди Каримберди Таласбоев айниқса, “тоғ ҳавоси – дард давоси” эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим. Ўн икки кун муолажа олган ҳарбир дам олувчимиз биздан рози бўлиб чиқиб кетиши учун ҳаракат қилаёلمиз, - дейди сихатгоҳ бош врачлари Абдурашид Носиров. Бизда ҳар куни санъаткорлар билан учрашувлар, китобхонлик кунларини мунтазам ўтказиб келаяёмиз. Мен сихатгоҳнинг кутубхонасидан 10 та бадий ва тарихий асарларни олиб ўқидим, - дейди Окқўрғонлик Баҳодир Носиров, тафаккурим бойиб, ақлим яна чарчлангандек бўлдим:

Китоб берган одобни,
Ота-она беролмас.
Қалбни сўқир одамлар,
Одоб гулин теролмас.

ИНТИЛИБ
ЯШАШ БАХТИ

Дилором жуда ёшлигидан шифокор бўлиш орзуси билан яшади. Богчада тарбия олиб юрганиданоқ кўғирчоқларига меҳр билан қараб, унинг “касалликларга чалиниб қолдирмаслик учун уни доимо озода сақлар эди.

Буни зимдан кузатиб юрган энагалари “Бу киз келажакда ажойиб шифокор бўлади” деб унга ҳавас билан қарашар эди. Бир куни кўғирчоғини богча ҳамшираси хузурига олиб кирди. Доктор опа! Кўғирчоғим негадир йиғламай кўйди. Бир яхшилаб кўриб беринг, балки бирон жойи каттик оғрияптимикан?

Қани менга берчи, текшириб кўрайинчи. Ҳа, ростдан ҳам йиғламай кўйибди. Чунки унинг аккумулятори қуввати тугаб қолибди. Шундан у йиғламай кўйган. Кўғирчоқнинг батареяси алмаштирилган, кўғирчоқ овоз чиқара бошлади. Дилором уни бир олам қувонч билан доктор опаси қўлидан оларкан:

Жуда зўр докторсиз-да, шунинг учун Сизни ҳаммамиз яхши кўраемиз. Дилором, катта бўлсанг ким бўлмоқчисан? Сир тутмасанг айтчи?

Сизга ўхшаган шифокор бўламан.

Орзуга айб йўқ. Балли!

Умумий ўрта мактабни яхши баҳолаш билан тугатган Дилором Норматова ота ва онаси дуосини олиб, Ангрен шаҳридаги тиббиёт коллежига ҳужжатларини топширди. Кириш имтиҳонларини муваффақиятли топшириб, коллеж талабаси бўлиб, уни 1999 йили тугатиб, умумий ҳамширалик касбини эгаллади. Шу йили Бўка тумани марказидаги юқумли касалликлар шифохонасига ўз касби бўйича ишга қабул қилинди. Ҳозирги вақтда туман марказий шифохонасининг ички касалликлар бўлимида катта шифокор вазифасида самарали фаолият олиб бормоқда. Ўз касбининг ҳақиқий билимдони Дилором ҳаёти даврида устозларидан билмаганларини ўрганди ва кўплаб шогирдаларига устозлик қилиб келмоқда. Дилором оилавий ҳаётда ҳам ўз бахтини топди. Турмуш ўртоғи Шарофиддин билан бахтли саодатли

ҳаёт кечириб, фарзандлари Хуршида ва Шаҳобиддинларни вояга етказишмоқда. Уларнинг ҳар иккиси ҳам оналари касбини танлашган. Менга доимо устозлик қўлларини чўзиб келишаётган ҳамкасбларим Сайфулла ака Эргашев, Аблаёт Тўлаев, Аширвали ака Каримовлардан бир умрга миннатдорман. Улар қўлидан юзлаб беморлар ўз дардларига шифо топиб кетишмоқда.

Чунки улар касалликни тўғри аниқлашиб, муолажаларидан кейин биз ҳамширалар ҳар дори муолажасини ўз вақтида олиб боришга ҳаракат қилаёلمиз. Бу ўзининг ижобий самарасини бериб келмоқда. Мен касалхонада ўз дардларига даво топиб қувонч билан чиқиб кетаятган бир неча кишилар билан суҳбатлашдим. Мен Бўка туманининг “Кўкорол” массивидан келганман, - дейди Ориф Пўлатов, шифохонага келганимда аҳволим анча оғир эди. Тезда шифокорлар ташхис қўйишиб, Дилоромхон муолажаларни бошлаб юбордилар. Мана 12 кунда соппа-соғ бўлиб чиқиб кетаяпман. Ўз касбларининг ҳақиқий билимдонлари бўлишган шифокорлардан, айниқса, муолажаларни ўз вақтида амалга ошириб турган Дилоромхондан бир умрга миннатдорман.

– Мен Окқўрғон туманининг “Зарбдор” МФЙнинг “Саидбой” кишлоғиданман, - ўз сўзини бошлади Ҳалима она Саидова. Мен ҳам анча оғир аҳволда келган эдим, тўғри ташхис ва аниқ даволашлар ўз самарасини бериб, тез орада ўзингиз кўриб турганингиздек оёққа туриб қолдим. Шифокорлардан бир умрга миннатдорман. “Кўли енгил” шифокор, деб тан олинган Дилоромдан жуда хурсандман.

Бизлар ҳам бўкалик шифокорлар фаолиятига янгидан-янги омадлар тилаймиз.

Пардабой ЭРГАШЕВ

Ўз касбининг ҳақиқий билимдони Дилором ҳаёти даврида устозларидан билмаганларини ўрганди ва кўплаб шогирдаларига устозлик қилиб келмоқда. Дилором оилавий ҳаётда ҳам ўз бахтини топди.

НАШЕ ЗДОРОВЬЕ

И ВСЕ-ТАКИ... КАК ПОДНЯТЬ ИММУНИТЕТ?

Каждую осень мы страдаем от переменчивой погоды, сырости, вирусов и спрашиваем себя «как же поднять иммунитет?». Попробуем дать ответ на этот волнующий всех вопрос.

Так вот. «Поднять иммунитет» нельзя. Совсем. Дело в том, что иммунная система состоит из множества компонентов, которые очень сложно взаимодействуют между собой. Далеко не обо всех из них мы имеем полное представление и по сей день. Все эти части системы должны работать согласованно, сохраняя баланс. Воздействовать на отдельные звенья, в особенности препаратами, не имеющими доказанной эффективности, не только не полезно, но может быть вредно. Как бы ни была заманчива идея принять волшебную таблетку, которая «укрепит» вашу иммунную систему, этот путь не работает. А пресловутое «усиление» иммунной системы после употребления ряда препаратов может обернуться обострением или дебютом аутоиммунной патологии (заболеваний, при которых иммунная система атакует собственные ткани человека).

ЧТО ДЕЛАТЬ?**НЕУЖЕЛИ НИКАК НЕЛЬЗЯ ЗАЩИТИТЬ СЕБЯ?**

К сожалению, полностью защититься от тех же простуд нельзя. Острые респираторные инфекции – это нормально. Хорошая новость в том, что можно обеспечить иммунной системе условия для эффективной работы.

Вот перечень того, что может помочь вашей иммунной системе лучше защищать вас от возбудителей болезней:

Соблюдение гигиены. Мы стали лучше понимать это с наступлением

пищевое отравление может обернуться тяжелыми последствиями для организма. Простые правила предосторожности помогут избежать размножения микробов в вашей пище и справиться с уже имеющимися:

Мойте руки с мылом до и после контакта с сырыми продуктами.

Тщательно мойте овощи и фрукты перед употреблением.

Разделяйте сырые и приготовленные продукты, не используйте ту же посуду и разделочные доски для сырого и приготовленного мяса, рыбы или птицы.

Предпочтительно употреблять тер-



пандемии COVID-19, но помнить об этом полезно всегда. Простое механическое удаление патогенов водой с мылом уже эффективно снижает их количество. **Поэтому:**

Мойте руки с мылом перед приготовлением еды и после посещения туалета.

Прикрывайте рот и нос во время чихания и кашля платком или локтем.

Обеспечивайте чистоту ранок, порезов и других поверхностных травм.

Не трогайте заживающие раны и не выдавливайте поверхностные гнойники, чтобы избежать распространения инфекции.

Вакцинация. В настоящее время это единственный способ защиты от инфекций с по-настоящему подтвержденной высокой эффективностью. Безусловно, вакцинация может быть отложена или отменена в случае обнаружения противопоказаний, однако прививки рекомендованы подавляющему большинству детей и взрослых.

Контроль качества еды. Банальное

мически обработанные мясо, рыбу или птицу.

Для разморозки продуктов используйте холодильник или микроволновую печь.

Используйте только чистую воду для питья и приготовления пищи (а также чистки зубов).

Обеспечение безопасности путешествий. Для поездки в некоторые регионы вам нужно будет заранее подготовиться - вакцинироваться от ряда заболеваний, запастись репеллентами и бутилированной водой.

Обеспечение безопасности секса, чтобы избежать заражения инфекциями, передаваемыми половым путем.

ЧТО ЕЩЕ Я МОГУ СДЕЛАТЬ, ЧТОБЫ УЛУЧШИТЬ РАБОТУ ИММУННОЙ СИСТЕМЫ?

В основном, существующие рекомендации связаны с изменением образа жизни.

Отказ от курения.

Курение нарушает баланс иммунных

реакций и способствует развитию хронического воспалительного процесса в организме, что снижает способность организма сопротивляться инфекциям. Кроме того, курение связывают с повышенным риском развития аутоиммунных заболеваний.

Ограничение употребления алкоголя.

Чрезмерное употребление алкоголя подавляет активность иммунной защиты. В то же время влияние небольших доз спиртного на иммунитет по-прежнему обсуждается.

Поддержание оптимальной массы тела

Избыточная масса тела связано с накоплением жировой ткани, которая выделяет много регуляторных факторов, влияющих на другие органы и ткани. Ожирение также связано с развитием вялотекущего хронического воспаления, что негативно влияет на защиту против инфекций, а также, по-видимому, эффективность вакцин.

Слишком низкая масса тела также связана со сниженной способностью организма защищаться от патогенов.

Поддержание физической активности

Предполагается, что интенсивные физические нагрузки могут оказывать угнетающее действие на некоторые иммунные функции. В то же время, умеренная физическая активность может улучшать функционирование иммунной системы. Это связано не только с потенциальным снижением массы тела, но и с общим противовоспалительным

эффектом упражнений.

Сбалансированное питание

Как и для любой другой системы организма, для иммунной системы важно поступление витаминов, микроэлементов и питательных веществ с пищей. Кроме того, если иммунная система активирована (например, в период болезни), она также требует дополнительной поддержки. Недоедание снижает эффективность защиты организма. Тем же эффектом, по-видимому, обладает недостаточное поступление в организм отдельных элементов (цинк, селен, железо, медь, фолиевая кислота, витамины А, В6, С и Е).

Но это не значит, что вам стоит неконтролируемо принимать витамины и пищевые добавки. Если вы предполагаете, что вы получаете недостаточно нужных веществ с пищей, обсудите это с врачом. Вполне возможно, что достаточно будет обеспечить правильное питание: употребление достаточного количества фруктов, овощей, цельнозерновых продуктов, рыбы с ограничением продуктов из красного мяса и переработанного мяса. По некоторым данным, включение в рацион ферментированных продуктов (квашеная капуста, кефир, йогурт) также может оказывать благотворное действие на состояние вашей системы за счет влияния на микроорганизмы, живущие в вашем кишечнике (микробиота).

КАЧЕСТВЕННЫЙ ОТДЫХ И СОН

Хронический стресс повышает уровень гормонов надпочечников, нарушающих взаимодействия между компонентами иммунной системы и активность отдельных ее компонентов, снижая ее защитные свойства. Кроме того, стресс также может снижать эффективность вакцинации, что подтверждает негативный эффект стресса на иммунитет.

Подобный же эффект имеет и сокращение времени сна, приводящее к развитию хронического воспалительного процесса. Человеку необходимо спать достаточно (7-8 часов в сутки) для того, чтобы иммунная система могла сохранять свои защитные функции.

К сожалению, волшебной таблетки, которая избавила бы вас от всех простуд и болезней, нет. Изменение образа жизни – путь более скучный, зато имеющий доказанный эффект.

Надежда КНАУЭР, врач.

НАУКА

ДАЖЕ НАТЯНУТАЯ УЛЫБКА ПОМОГАЕТ УЛУЧШИТЬ НАСТРОЕНИЕ

Движение мышц губ оказывает влияние на восприятие человека.

Сотрудники Стэнфордского университета установили, что даже фальшивая улыбка **помогает улучшить настроение**. Они пришли к такому выводу после исследования, участниками которого стали около **четырёх тысяч человек из 19 стран**. Результаты научной работы появились в NatureHumanBehavior.

Трети участников исследования предложили подержать во рту **карандаш**. Вторая группа имитировала выражения лица актёров, которые улыбались, а оставшихся попросили **приподнять уголки губ**. Добровольцы также решали математические задачи.

Оказалось, что люди, которые копируют выражение лица улыбающихся актёров, а также те, кто **приподнял уголки губ**, заявляли о сниженном уровне стресса. Простое



держание карандаша во рту никак **не повлияло** на состояние людей.

Юлия КАЗАРЯН.

ЗДОРОВЬЕ

ОПАСНЫЕ ОШИБКИ ПРИ ЛЕЧЕНИИ БОЛИ В СПИНЕ

При боли в спине не следует **бесконтрольно применять разогревающие мази, нестероидные противовоспалительные препараты и делать массаж без назначения врача**. Об этом **Москве 24** рассказал хирург, травматолог-ортопед Евгений Жаров.



Многие для лечения применяют **разогревающие мази, отметил эксперт**. Если они не помогают, необходимо разобраться, в чем причина, поскольку в ряде случаев боль в спине может быть связана с заболеваниями соседних органов. Если вы использовали разогревающую мазь и вам стало легче, это очень хорошо. Но в том случае, когда мазь уже не действует, вы совершаете ошибку. По словам специалиста, спину можно условно разделить на три части: шейный, грудной и поясничный отделы. Болеть при этом способен любой участок, в каждом из которых своя структура. В частности, в шейном отделе – это мышцы, позвоночник.

"В грудном отделе, помимо вышперечисленных структур, уже могут вовлекаться в процесс и внутренние органы, такие как поджелудочная железа. И боли опоясывающего характера с иррадиацией (отдающиеся. – Прим. ред.) в позвоночник могут быть.

Третий участок – это пояснично-крестцовый отдел, где есть и мышцы, и кости, и почки, и огромное количе-

ство нервных окончаний", – **сказал хирург**.

Другая ошибка при лечении спины – **бесконтрольный прием обезболивающих**. По словам врача, это может привести к кровотечению.

"Использовать мази группы нестероидных противовоспалительных на первом этапе возможно. Но если же мы говорим уже про пероральное (прием лекарств через рот. – Прим. ред.) применение **таблетированных форм**, это может быть преступлением (против здоровья. – Прим. ред.)", – **сказал он**.

У пациента может быть язвенная болезнь желудка, эрозия, гастриты. Мы тем самым можем спровоцировать рецидив или вызвать язву, которая в последующем может осложниться кровотечением. Кроме того, не следует пытаться вылечить спину с помощью массажа без предварительной консультации с врачом.

"Массаж при боли в спине без назначения врача – это преступление. За обычной болью могут скрываться серьезные проблемы. Одна из таких проблем – это межпо-

звоночная грыжа", – **объясняет специалист**.

Если боли длительные, их не удается снять мазями и таблетками, необходимо обязательно обратиться к врачу для комплексного обследования, чтобы выявить, есть ли грыжа, **советует Жаров**. Если не лечить грыжу, то в последующем она может привести к проблемам вплоть до инвалидности.

Массаж при грыже делать можно, но только после консультации с врачом, который даст определенные рекомендации, подчеркнул хирург.

Кроме того, при боли в спине не стоит самому себе назначать обследования. Лучше довериться специалисту, **говорит Жаров**.

"Делать самостоятельно КТ пациентам я не рекомендую. Проблема может быть самая минимальная, где КТ на самом деле не требуется, будет достаточно банальной рентгенографии. Поэтому КТ делаем только по назначению врача. Второй момент – вы можете потратить свои деньги не по назначению", – **заклучил эксперт**.

www.m24.ru.news.

"103" ХИЗМАТИ

ТЕЗ ТИББИЙ ЁРДАМ ХИЗМАТИДА "В" ТОИФАДАГИ РЕАНИМОБИЛЛАР СОНИ 541 ТАГА ЕТДИ

Саломатлик панд берганда унинг қадрини янада теран англаймиз. Бундай пайтда ҳар бир дақиқа ва сониянинг қадри жуда баланд.



Албатта бу каби инкироз даврида беморга имкон қадар тез ва сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш, унинг ҳаёти ва саломатлигини сақлаб қолишга хизмат қилади. Бунинг учун эса "103" хизмати замонавий автотранспорт воситалари билан таъминланган бўлиши зарур. Айниқса, фавқулодда ҳолатлар ва тасодифий бахтсиз ходисалар туфайли жиддий жароҳат олган ёки касаллик хуружи сабабли аҳволи оғирлашган беморларни ўз вақтида ва хавфсиз шифохонага олиб боришда реанимобиллар асосий ўрин тутди. Таъкидлаш керак, ушбу транспорт воситалари тезкор реанимация, йўл-йўлакай жарроҳлик амалиёти ўтказиш имконини берувчи гилдиракли "шифохона" бўлиб, бугунги кунда дунёнинг ривожланган мамлакатлари тиббиётда кенг фойдаланилади.

Бугунги кунда мамлакатимизда тез тиббий ёрдамнинг тезкорлиги ва сифатини ошириш, унинг қамровини кенгайтириш, соҳа амалиётига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишга алоҳида эътибор қаратиляпти. Хусусан, "Тез ёрдам" бригадаларини замонавий реанимобиллар билан таъминланиши оғир беморлар ҳаётини сақлаб қолиш имконини бераётир. Рақамларни таҳлил қилсак, 2021 йилда тез тиббий ёрдамда "В" тоифали 435 та реанимобил аҳолига хизмат кўрсатган бўлса, бугунги келиб бундай замонавий санитар автоуловлар сони 541 тага етди. Жумладан, ушбу автотранспорт воситаларининг 163 таси Тошкент шаҳри, 56 таси Самарқанд, 44 таси Фарғона ҳамда 38 таси Наманган вилоятлари аҳолисига сифатли ва тезкор тиббий хизмат кўрсатмоқда. Маълумот ўринда айтиш лозимки, энг сўнгги ва замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган ушбу автотранспорт воситалари халқаро талабларга тўла мос келиб, унинг ички қисми бемор ва тиббий ходимларнинг қулай жойлашиши имконини беради. Қолаверса, мазкур автомобиллар шаҳар шароитида ҳаракатланиш бўйича юқори техник кўрсаткичларга эга бўлиб, ўтувчанлиги, ишончлилиги ҳамда тежамкорлиги билан алоҳида ажралиб туради. Энг муҳими, ушбу машиналарда ҳаракатни тўхтатмай туриб ҳам беморга зарур тиббий ёрдам кўрсатиш мумкин.

Давлатбек ЮЛДАШЕВ,
Республика тез тиббий ёрдам марказининг
Тез тиббий ёрдам хизматини мувофиқлаштирувчи
диспетчерлик маркази раҳбари.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги академик Ё. Тўракулов номидаги Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказининг собиқ директори
Сайдиганиходжа Ибрагимович ИСМАИЛОВнинг
вафоти муносабати билан унинг оила-аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Академик Ё. Тўракулов номидаги Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт маркази жамоаси марказининг собиқ директори
Сайдиганиходжа Ибрагимович ИСМАИЛОВнинг
вафоти муносабати билан унинг оила-аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

